



ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТЕРМИЗ ШАХРИГА АМИР ТЕМУР ОРДЕНИНИ ТОПШИРИШГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, кадрли дўстлар!

Аввало, бугун сиз, азиз Сурхон воҳаси вакиллари билан дийдор кўришиб, барчангизни соғ-саломат, бардам-бакувват кўриб турганимдан хурсанд бўлганимни билдириб, сизларга, сизлар орқали бутун вилоят аҳлига ўзимнинг чуқур хўрмат ва эҳтиромим, эзгу тилакларимни изҳор этишга рухсат бергайсиз.

Сизлар билан қачон учрашмайлик, Сурхондарёнинг бугунги ҳаёти, аҳолининг ҳол-аҳволи, кайфияти, эришилган ютуқлар билан бирга, йўл қўйилган камчиликлар ва уларни бартараф этиш, вилоятнинг келажаги ҳақидаги фикр-мулоҳазалар учрашувларнинг асосий мавзусини ташкил этиши ҳаммамизга маълум.

Бундай мулоқотларнинг маъномазмуни, авваламбор, вилоятни янада ривожлантириш, унинг ноёб ер ости ва ер усти бойликлари билан оқилона ва самарали фойдаланиш, шу юрtdа яшаётган 3 миллионга яқин аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини таъминлаш, бир сўз билан айтганда, одамларимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш билан узвий боғлиқ эканини ҳам бар-

чамиз яхши англаймиз.

Сурхондарё деганда, инсоният цивилизациясининг бешикларидан бири, буюк тарих ва бой меросга эга бўлган қадимий ва бетакрор ўлка кўз ўнгимизда намоеъ бўлади.

Афсуски, дунёга қандай тенгсиз маданият дурдоналарини, не-не мумтоз зотларни берган бу замин мустабид тузум даврида собиқ Марказнинг беписанд сиёсати, "Сизларга бўлаверади" деган қараши туфайли узок йиллар давомида ривожланишдан орtdа қолиб келгани ҳеч кимга сир эмас.

Фақатгина мустақилликка эришганимиздан кейин мамлакатимизнинг барча ҳудудлари қатори Сурхондарё ҳам ўтган қисқа даврда жуда катта, айтиш мумкинки, илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган тараққиёт йўлини босиб ўтди.

Бу ҳақда гапирганда, сўнгги йилларда бу ерда ўнлаб замонавий қорхоналар, магистрал йўл ва кўприklar, савдо ва маиший хизмат объектлари, таълим-тарбия, тиббиёт, маданият ва спорт масканлари, янги турар-жойлар, майдон ва хиёбонлар барпо этилганини таъкидлаш ўринлидир.

(Давоми 2-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТЕАТР ИЖОДҚОРЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда профессионал театр санъатини ривожлантириш ва янги босқичга кўтариш, халқимизнинг бой маданий мероси ва анъаналарини асраб-авайлаш, юртдошларимиз, айниқса, ёш авлодимизнинг маънавий олами юксалтириш, миллий ва умумбашарий қадриятлар, Ватанга меҳр ва садоқат руҳида камол топтириш ишига қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагилар тақдирлансин:

"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист" фахрий унвони билан

Набиев Асадилло Суванович — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

"Фидокорона хизматлари учун" ордени билан

Юсупова Тути — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

"Меҳнат шухрати" ордени билан

Икрамова Дилдорхан — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

Масудов Фатхулла Хусанович — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2014 йил 27 ноябрь

"Дўстлик" ордени билан

Абдуваҳабов Абдураим Абдуллаҳайевич — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

Курбанов Бабаияз — Ўзбек Миллий академик драма театри расоми

Цой Светлана Менгиновна — Ўзбек Миллий академик драма театри расоми

"Шухрат" медали билан

Арипджанов Махмуджон Окилжидан — Ўзбек Миллий академик драма театри ёритиш бўлими бошлиғи

Қиличов Мироллим Хусниддинович — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

И.КАРИМОВ

ТЕРМИЗ ШАХРИГА ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТИ ТОПШИРИЛДИ

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2014 йил 22 августдаги фармонида мувофиқ Термиз шаҳри Амир Темур ордени билан мукофотланган эди. 28 ноябрь куни Термиз шаҳрида ушбу юксак мукофотни топширишга бағишланган тантанали маросим бўлди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Термиз шаҳрининг шонли тарихи, истиқлол йилларидаги тараққиёти, мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ҳаётида тутган ўрни, Сурхондарё вилояти меҳнаткашлари қўлга киритаётган улкан ютуқлар ҳақида тўхталди.

Бу замин халқининг юксак маданияти, хунармандлик ривожини ва савдо алоқалари Жайхун бўйида қадим Термиз шаҳрини вужудга келтирган. Буюк ипак йўли марказида жойлашган шаҳар турли маданият ва халқларни

ўзaro боғловчи муҳим кўрғон бўлган.

Истиқлол туфайли Термиз шаҳрининг шону шавкати тикланди, улкан маънавий ва иқтисодий салоҳияти юзага чиқди.

Ортбошимиз раҳнамолигида маънавий-иқтисодий юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар самарасида миллий қадрият ва анъаналаримиз, буюк аجدодларимизнинг номи қайта тикланди, улар мангу кўним топган муқаддас қадамжолар ободонлаштирилди. Имом Термизий, Ҳаким Термизий, Султон Саодат, Кокилдор ота ёдгорлик мажмуалари таъмирланди.

(Давоми 3-бетда.)

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ ЖАМОАСИГА

Азиз дўстлар!

Хурматли санъат аҳли!

Авваламбор, Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллик қўлғи муносабати билан сиз, муҳтарам театр жамоаси ва мухлисларини, сизларнинг тими солинишда бутун маданий жамоатчилигимизни чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Маълумки, дунёдаги ҳар қайси халқ, ҳар қайси давлатнинг маънавий тараққиёт даражаси аввало унинг маданияти, санъат ва адабиётида, жумладан, театр санъатида яққол намоеъ бўлади.

Бугун биз мамлакатимиз тарихидаги унутилмас сана — нафақат юртимиз, балки Туркистон заминидаги биринчи профессионал театрга асос солган Ўзбек Миллий академик драма театрининг юз йиллигини нишонлар эканмиз, унинг шу даврда босиб ўтган мураккаб ривожланиш йўли, эришган ютуқ ва марралари кўз ўнгимиздан ўтиши табиийдир.

Ўз-юртимиз бу даврда қандай қийинчилик ва машаққатларни, қувончли ва ташвишли кунларни бошидан кечирган бўлса, уларнинг барчаси ўзбек маданиятининг кўзгуси бўлиши ушбу театр фаолиятида, унинг сахнасида намоён қилинган асарларда ўз аксини топган, десак, айти ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бугун биз Миллий театримизнинг таълим тошини қўйган, бу йўлда қандай оғир синов ва тўсиқларга дуч келмасин, ўзлтирдан, ўз маслагидан қайтмаган, "Театр — бу ибратхонадир" деган ҳикматга амал қилиб, маънавий жасорат намунасини кўрсатиб яшаган Беҳбудий, Мунавварқори, Авлоний, Чўлпон сингари маърифатпарвар болаларимиз, сахна санъати фидойиларининг сўнмас хотираси олдида бош эгиб таъзим қиламиз.

Мустабид тузум мафқурасининг тазйиқларига қарамасдан, гуманистик ғоялар, юксак ижодий принципларга содиқ қолган Маннон Уйғур, Етим Бобожонов, Олим Хўжаев, Аббор Ҳидоят, Наби Раҳимов, Шукур Бурҳонов, Обид Жалилов, Сора Эшонтўраева, Зайнаб Садриева, Тошхўжа Хўжаев, Александр Гинзбург, Гани Аъзамов каби ўнлаб атоқли ижодкорларнинг номларини миннатдорлик билан эслаймиз.

Бу мўътабар сахнада яратилган Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби буюк аждодларимизнинг барҳаёт сиймолари минг-минглаб томошабинларга инсонийлик, адолат ва эзгулик, меҳр-оқибат, олижанобликдан сабоқ бергани, уларни гўзаллик ва нафосат оламига ошно этиб келаётгани таҳсинга лойиқдир.

(Давоми 4-бетда.)

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТЕРМИЗ ШАҲРИГА АМИР ТЕМУР ОРДЕНИНИ ТОПШИРИШГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бугунги кунда нафақат вилоят маркази Термиз шаҳри, балки Денов бўлади-ми, Шеробод, Музработ бўладими, бошқа туман марказлари ва қишлоқлар бўладими, барчасининг қиёфаси тубдан ўзгариб, ҳар томонлама обод бўлиб бораётгани ҳаммамизга, аввало, шу заминда яшаётган одамларга, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизга катта гурур ва ишонч бағишламоқда.

Асрий тоғу тошлар, дашту биёбонлар бағрида 223 километрлик Тошгузар — Бойсун — Кумкўрғон темир йўлининг барпо этилгани фақат Сурхон воҳаси эмас, бутун мамлакатимиз ҳаётида, ҳеч шубҳасиз, улкан, тарихий бир воқеа бўлди, десак, ўйлайманки, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ўз ишининг ҳақиқий устаси бўлган курувчиларимиз, жумладан, сурхондарёлик бунёдкорларнинг маҳорати билан денгиз сатҳидан 1500 метр баландликда ўнлаб кўприklar, йўл ўтказгичлар каби ўта мураккаб инженерлик иншоотларини барпо этишга, катта маблаг, куч ва имкониятни, юксак билим ва тажрибани талаб қиладиган шундай йирик ва ноёб лойиҳани амалга оширишга эришганимиз ҳар қандай одамни ҳам қойил қолдириши мўқаррар.

Оғир иқлим шароитига қарамасдан, Сурхон воҳаси деҳқон ва фермерларининг кейинги йилларда қўлга киритаётган ютуқлари барчамизни қувонтиради.

Бу ҳақда гапирганда, бугунги кунда юртимизда етиштирилаётган пахта ҳомашёсининг 10 фоизи, галланинг қарийб 8 фоизи мана шу шаҳоватли замин ҳиссасига тўғри келишини алоҳида таъкидлаш лозим. Вилоятда жорий йилда 335 минг тоннадан зиёд пахта, 477 минг тонна галла етиштирилгани, сўзсиз, машаққатли ва мардона меҳнат натижасидир.

Фурсатдан фойдаланиб, вилоятнинг миришкор деҳқон ва фермерларига, барча қишлоқ хўжалиги ходимларига фидокорона меҳнатлари учун ўз номидан, халқимиз номидан самимий миннатдорлик билдиришга рухсат бергайсиз.

Биз учун энг муҳим, энг устувор вазифа бўлиши соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш йўлида Сурхондарёда ҳам ўнлаб янги-янги мактаблар, лицей ва коллежлар, санъат ва спорт масканларини, айниқса, Термиз давлат университети-

нинг замонавий, мухташам биноси каби улкан иншоотларни бунёд этганимиз нафақат вилоят қиёфасини, айна вақтда, одамларимиз, фарзандларимизнинг онгу тафаккурини, бутун ҳаётимизни тубдан ўзгартиришга хизмат қилаётгани ҳақида ҳар қанча тўлқинланиб гапирсак, арзийди, албатта.

Шулар қаторида Сурхон воҳасининг қадимий ва бетакрор маданияти, урф-одат ва аъёналарини, нуфузли ЮНЕСКО халқаро ташкилоти томонидан юксак эътироф этилган **номоддий меросининг** ноёб намуналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш бўйича қилган ишларимиз ҳақида ҳам кўп гапириш мумкин.

Бу борада Ўрта Осиё минтақасида ягона бўлган Термиз давлат археология музейини бунёд этганимиз, "Алпомиш" достонининг 1000 йиллик тўйини, Термиз шаҳрининг 2500 йиллик юбилейини қандай баланд руҳ ва кўтаринки кайфиятда ўтказганимиз барчамизга мамнуният етказди.

Термиз шаҳрида 2011 йили энг замонавий архитектура талабларига жавоб берадиган мухташам "Сурхон" спорт мажмуасини воҳанинг ўзига хос табиий ва иқлим шароитини ҳисобга олиб барпо этганимиз шу юртда улғайиб, уни жонидан азиз кўрадиган, жисмоний ва маънавий камолотга интилиб яшаётган минг-минглаб ёшларимиз учун аҳамияти ва моҳиятини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмай-диган катта воқеа бўлганини ҳеч ким инкор этолмайди.

Бугунги кунда бу ерда "Баркамол авлод" спорт ўйинлари, кураш бўйича жаҳон чемпионати каби йирик ва нуфузли беллашувлар мунтазам ўтказилмоқда, бу ноёб мажмуа қанчадан-қанча ёш спортчиларимиз учун парвоз майдони бўлиб хизмат қилмоқда.

Мен илгари ҳам айтган бир фикрни яна такрорлашни жоиз деб биламан: нафақат юртимизда, балки бутун минтақамизда маълуму машҳур бўлган "Алпомиш"-дек қаҳрамонлик достонининг айнан Сурхон заминиде яратилгани асло тасодиф эмас.

Агар мендан, энг кучли, энг бақувват полвонлар қаерда яшайди, деб сўраса, ҳеч иккинчмасдан, аввало Сурхондарёда, деб айтган бўлардим.

Ўзбек курашининг ватани, макони ҳам аслида Сурхон воҳасидир. Ҳаммамиз яхши биламизки, мана шу кураш беллашувларида "ҳалол" де-

ган сўз энг олий баҳо сифатида янграйди. Шахсан менга бу ибора бамисоли бутун халқимизга, жумладан, Сурхон элига мансуб энг улғу фазилатни ифода этаётгандек бўлиб туюлади.

Азиз дўстлар, чиндан ҳам Сурхон элининг лафзи ҳалол, меҳнати ҳалол эканини тарихда ҳам, бугунги кунда ҳам кўп-кўп мисоллар яққол тасдиқлайди. Бундай мард инсонларнинг табиатида сира ғирромлик бўлмаган, чала иш бўлмаган.

Умуман айтганда, Сурхон заминиде вояга етган, унинг гурур ва ифтихорини улғулаб, бу юртни бутун дунёга танитиб келаётган, Яратганимиз ато этган куч-қуввати, истеъдоди ва маҳорати билан узоқ ва яқин мамлакатларда шуҳрат қозонган спортчи ўғил-қизларимиз халқимизнинг ҳурматиға сазовор бўлиб келмоқда.

Шулар қаторида Абдулла Тангриев, Давлат Чориев, Санжар Тўхташев, Гўзал Эгмова, Сухроб Турсунов, Барно Мирзаева, Яхё Имомов, Раъно Абдуҳалимова, Шоҳиста Сафарова каби ўнлаб азму шижоатли ёшларимиз бугунги кунда ўзбек спортининг, ўзбек халқининг доғуғини бутун дунёга таратаётгани барчамизни хурсанд қилади.

"Алпомиш" достонининг қўлғуғ тўйида мен Сурхон воҳасининг кураги ерга тегмаган паҳлавонларига чин қалбдан ҳурматимни билдириб, машҳур Тоштемир полвонни бағримга босиб, даст кўтарганимни ҳозир ҳам катта завқ билан эслаб юраман.

Буларни барчасининг замирида фақат битта нарсаси, яъни самимийлик, бир-биримизни яқин кўриш, бир-биримизга ҳурмат ва эҳтиром мужассам, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшилиасиз.

Хурматли йиғилиш қатнашчилари!

Кейинги йилларда Сурхондарёда, унинг маркази Термиз шаҳрида катта ҳажмдаги бунёдкорлик ва ободончилик ишлари амалга оширилаётгани, аввало, захматқаш Сурхон аҳлининг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида янги-янги йўл-йўллар, инфраструктура объектлари барпо этилаётгани натижасида шаҳарнинг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб бораётганини барчамиз мамнуният билан эътироф этамиз.

Буни сўнгги пайтда вилоятда намунавий лойиҳалар асосида қишлоқ жойларда 3 минг 772 та шинам уй-жойлар қурилгани, биргина Термиз

шаҳрида маҳаллий шароитга ҳар томонлама мос бўлган, 1 минг 41 та квартираддан иборат 36 та замонавий кўпқаватли уйлар бунёд этилгани ҳам тасдиқлайди.

Айни вақтда шаҳарни кўкаламзорлаштириш, ноёб манзарали дарахтларни танлаб экиш ва парвариш қилиш, яшил ҳудудларни кўпайтириш ҳисобидан бутун шаҳар яшил либосга бурканиб, барчанинг кўзини қувонтирадиган, ҳавасини тортадиган бетакрор қиёфа касб этгани жанубнинг жазирама қуёши остида яшайдиган одамларга қандай қулайлик туғдирганини тасаввур қилиш қийин эмас, деб ўйлайман.

Азиз дўстлар!

Сурхон воҳасининг кўхна тарихи, минг йиллар давомида шу заминда ётган ва бугун ўзбек олимлари билан бирга турли мамлакатлардан келган олимларнинг археологик қазималари, илмий изланишлари натижасида очилаётган ва илму фан оламини ҳайратда қолдираётган ноёб ашёлар, қадимий маданият ёдгорликлари бу тупроқ ўз бағрида ҳали қанча-қанча сирларни сақлаб келаётганидан далолат беради, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Мисол учун, эрамиздан аввалги I минг йиллик ўрталарида Бактриянинг биринчи подшоҳи Зороастр Термиз шаҳрига асос солган. Термиз дастлаб Тарамата деб аталган.

Шаҳарнинг ғоят қулай географик шароити, Шарқни Фарб билан боғлайдиган савдо чорраҳасида жойлашгани унинг тез суръатлар билан ривожланишига замин яратди. Шу босис турли-турли босқинчилар Термизни қўлга олиш, унга эгаллик қилишга доимо интилиб келган.

Эрамиздан аввалги 327 йилда Александр Македонский, яъни бизнинг тилимизда Искандар Зулқарнай шаҳарни босиб олиб, унга Александрия номини берган. Термиз қалъаси милoddан аввалги даврларда Юнон-Бактрия давлати, Кушонлар империяси, милoddан кейинги V-VI асрларда Эфталитлар, Сосонийлар ҳукмронлиги остида бўлган. VIII аср бошида эса бу ерни араблар забт этган.

Термиз тарихи ҳақида сўз юритар эканмиз, ҳеч шубҳасиз, бу шаҳар унинг тарихига ёрқин саҳифалар битган Амир Темур бобомизнинг муборак номи билан чамбарчас боғланиб кетганини эсга олишимиз табиийдир.

Термиз шаҳри Соҳибқирон бобомиз Турон замини-

да барпо этган буюк ва қудратли давлатнинг мустаҳкам кўрғонига, салтанат таянчига айланган.

Бугунги кунда бу ерда яшаётган барча-барча инсонлар Сурхон тарихининг ана шундай шонли саҳифаларини гурур ва ифтихор билан эслайди.

Барчамиз учун муқаддас бўлмиш Термиз тупроғида қандай улғу аллома ва мутафаккирлар, азиз-авлиёлар яшагани, улар Термизий деган ном билан ислом дунёсида қандай ёрқин из қолдирганлари ҳаммамизга яхши маълум.

Ҳақиқатан ҳам, бу табаррук дийёрдан етишиб чиққан буюк аллома Ҳаким Термизий, дунёдаги энг ишончли олтига ҳадис тўғламларидан бирини яратган машҳур муҳаддис Абу Исо Термизий, теран мазмунли асарлари билан Шарқда ном қозонган Адиб Собир Термизий, ислом фалсафаси ривожига муносиб ҳисса қўшган Абу Бакр Варроқ Термизий каби мумтоз зотлар наинки халқимиз, балки бутун мусулмон оламининг фахру ифтихори ҳисобланади.

Бу заминнинг уруш ва босқинлар туғайли неча бор вайрон бўлиб, култепарлар узра неча бор қайта тиклангани ҳақида ҳам албатта кўп гапириш мумкин. Лекин барчамизга чексиз ифтихор етказадиган ҳақиқат шуки, бу ерни ўзига муқаддас макон деб билган жасур аждодларимиз ёвларга ҳеч қачон бош эгмаган.

Буюк тарихчи аллома Шарафиддин Али Яздий машҳур «Зафарнома» китобида Термиз аҳлининг мўғул босқинчиларига матонат билан, қаҳрамонларча қаршилик кўрсатганини тасвирлар экан, бу шаҳарни «Мардлар шаҳри» деб атаганида чуқур ҳаётий ҳақиқат мужассамдир.

Мустақиллик йилларида Термиз ҳар томонлама обод бўлиб, Ўзбекистонимизнинг энг гўзал шаҳарларидан бирига, юртимизнинг жанубий сарҳадларидаги баш истрекомига, мустаҳкам дарвозасига айланди.

Бугунги кунда Термиз шаҳри нафақат Сурхон воҳаси, нафақат Ўзбекистон, балки бутун Ўрта Осиё минтақасининг иқтисодий, маданий ва коммуникация марказларидан бири десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Мухтарам юртдошлар!

Биз бугун қандай мураккаб ва таҳликали замонда яшаётганимизни, дунёда нотинчлик ва қарама-қарши-

(Давоми 3-бетда.)

2014-yil 29-noyabr, № 96 (8745)

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТЕРМИЗ ШАҲРИГА АМИР ТЕМУР ОРДЕНИНИ ТОПШИРИШГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-, 2-бетларда.)

ликлар тобора кучайиб бораётганини ҳаммангиз яхши биласиз. Айниқса, бизнинг худудимизда, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликка энг катта хавф-хатар — бу Афғонистонда 35 йилдан буён давом этаётган уруш экани ҳеч кимга сир эмас.

Биз Афғонистон халқи билан неча-неча асрлардан буён ёнма-ён қўшни бўлиб, аҳил ва иноқ яшаганмиз. Қиз бериб, қиз олиб, қудандачилик қилиб келганмиз. Амударёнинг икки томонида туриб бир-биримизнинг ҳолимиздан доимо хабардор бўлиб турганмиз. Шунинг учун ҳам, афғон фожиасини бошқалардан ҳам кўра унгра қўн бўлган бизнинг халқимиз ҳаёлидан, юрагидан мутлақо бошқача ўтказди. «Қўшнинг тинч — сен тинч» деган нақл албатта бежиз айтилмаган.

Мен ўзимнинг жуда кўп чиқишларимда, жумладан, нуфузли халқаро минбарлардан туриб, жаҳон ҳамжамияти вакилларига мурожаат қилиб, афғон моjarосини ҳарбий йўл билан ҳал этишининг имкони йўқ, деб очик айтганимни, ўйлайманки, сизлар яхши биласиз.

Агар афғон халқининг ўзига қўйиб берса, шак-шубҳасиз, бу уруш ҳеч қачон бунча узок давом этмасди. Афғон халқи — кўпни кўрган халқ. Бу халқ ҳам биз каби доимо тинчлик ва омонликни, оиласини тинч меҳнат билан боқишни, болаларининг бахтини кўришни хоҳлайди.

Шундай экан, нима учун

шунча вақтдан буён бу ерда уруш бормоқда? Бунга сабаб албатта кўп, лекин энг асосий сабаб — бу Афғонистонда урушни давом эттириш кимгадир керак. Бу урушни давом эттиришга уринаётганлар, биринчи навбатда, афғон халқининг манфаатини эмас, балки ўз манфаатини кўзлайди. Минг афсуски, дунёда мана шундай сиёсий ўйинлар тўхтама-япти.

Афғон заминида урушни давом эттириш тарафдори бўлган кучлар «Йиқилган курашга тўймас» деган мақолани ҳеч қачон эсидан чиқармаслигини истардим. Жафокаш афғон юртига турли кучлар келади-кетди, афғон халқи эса абадий қолади. **Бу халқни зўравонлик билан бўйсундириб бўлмаслигини XIX асрдан бошлаб бугунги кунгача баъзи йирик давлатларнинг бу ерга қурул билан келиб, охири-оқибатда енгилиб кетгани ҳам яққол кўрсатиб турибди.**

Таассуфки, бугунги кунда фақат ҳарбий кучга таяниб сиёсат олиб бораётганлар бу ҳақиқатни тушунмаяпти.

Мана, яқинда Афғонистонда Президент сайлови бўлиб ўтди. Бу давлатнинг янги раҳбарлари иш бошлади. Лекин мамлакатдаги вазият эртага қайси томонга ўзгаради, деган савол, афсуски, ҳамон очиклигича, мавҳумлигича қолмоқда.

Ўз-ўзидан аёнки, «АЙСАФ» деб ном олган халқаро тинчликпарвар кучларнинг бу жафокаш заминда давом этаётган тўқнашувларни бартараф этишни охирига етказмасдан туриб ва қарама-қарши кучларни мурасага

келтирмасдан туриб, Афғонистондан олиб чиқиб кетилиш бу минтақада тинчлик ва осойишталик ўрнатишга олиб келиши гумон, деб ўйлайман.

Мана шундай мураккаб бир вазиятда Ўзбекистоннинг бу масала бўйича позициясини яна бир бор эслатиш ўзини зарур, деб ҳисоблайман.

Бу борадаги бизнинг ёндашувимиз, сиёсатимиз аниқ ва равшан: биз ён қўшнимиз бўлган Афғонистон давлатининг ички ишларига аралашмаслик, афғон халқи ишонч билдириб сайлаган ҳукумат билан ўзаро ҳурмат ва ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, тинч-тотув бўлиб яшашни ўзимизга маъқул деб биламиз.

Тинчлик ҳақида, осойишталик ҳақида гапирганда, юртимиздаги ҳар қайси одам аввало ўз ишончини жанубий чегараларимизда Ватаннинг содиқ посбони бўлиб турган Термиз аҳлига, Сурхон воҳасининг мардларига қаратади.

Чунки тарихнинг ўзи Термиз шаҳрига, унинг жасур халқи зиммасига юртимиз тинчлиги ва озодлиги йўлида метиндек мустаҳкам кўрғон бўлиш каби оғир ва масъулиятли вазифани юклаган. Ва сизларнинг барчангиз бу муқаддас вазифани бугунги таҳлилкада даврда ҳам шараф билан адо этиб келмоқдасиз, десам, ўйлайманки, бутун халқимизнинг фикрини ифода этган бўламан.

Бундай юксак ишонч сўзларини давом эттириб, шу тупроқда, шу заминда хоклари ётган улуг аждодла-

римизнинг хотираси олдида, мана шундай буюк ўтмишнинг ворислари бўлиш халқимиз олдида бош эгиб таъзим қилишни ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Кадрли юртдошлар!

Энди рухсатингиз билан менга юклатилган шарафли ва қувончли бир вазифани адо этишга ўтсам.

Мустақиллик йилларида шаҳар аҳлининг ижтимоий-иқтисодий, маданий соҳаларда эришган муваффақиятлари, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик муносабатларини ривожлантиришга қўшган муносиб ҳиссаси, халқимизнинг тарихий ва маънавий меросини асраб-авайлаш, ёшларимизни улуг аждодларимизга хос эзгу қадриятлар, мардлик ва жасорат, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги улкан хизматлари учун берилган Амир Темур орденини катта мамнуният билан Термиз шаҳрига топширишга ижозат бергайсиз.

Муҳтарам дўстлар!

Термиз шаҳрининг мана шундай юксак давлат мукофотида сазовор бўлишида сиз азизларнинг, шу гўзал юртга фарзандлик меҳри ва садоқатини бериб яшаётган, ўз тақдири ва келажagini ўз қўли, фидокорона меҳнати билан яратаётган эзгу ниятли, олижаноб барча инсонларнинг ҳиссаси ва хизмати бекиёсдир, десам, айна ҳақиқатни айтган бўламан.

Бугун нафақат Термиз аҳли учун, айтиш мумкинки, бутун Ўзбекистонимиз учун катта байрам. Қадимий ва навқирон Термиз шаҳри ҳаётидаги бу қутлуг кун, ҳеч шубҳасиз, унутилмас бир воқеа бўлиб тарихда қолади ва барчамизни янги-янги уфқларга даъват этади.

Мамлакатимизнинг барча навқирон ёшлари қаторида сурхондарёлик ўғил-қизларимга — менинг болаларимга айтадиган даъватим шуки, сизлар бугун Амир Темур орденига сазовор бўлган шаҳарлар сафига қўшилган Термиздек ўтмиш буюк, келажаги шарафли шаҳарда, қандай ноёб, Худонинг назари тушган муқаддас заминда яшаётганингизни асло унутманг, ота-боболаримизнинг шаъну шавкатига доимо муносиб бўлинг.

Сизларни яна бир бор бағримизга босиб, азиз фарзандларимиз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмайди, биз бошлаган буюк ишларни давом эттиради, барча соҳаларда энг юксак марраларни албатта забт этади, деб катта ишонч ва ғурур билан айтмоқчиман.

Азиз ватандошларим, қадрдонларим! Мана шу унутилмас лаҳзаларда сизларни, бутун Сурхон аҳлини давлатимизнинг юксак мукофоти билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга тинчлик-осойишталик ва кут-барака тилайман.

Юртимизнинг фахру ифтихори бўлмиш Термиз шаҳри дунё турғунча турсин! Термиздек буюк шаҳарларни бунёд этган халқимиз доимо омон бўлсин! Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

ТЕРМИЗ ШАҲРИГА ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТИ ТОПШИРИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Янги бунёд этилган темир йўл бекати, Тадбиркорлар маркази биноси, Археология музейи, амфитеатр Термиз шаҳрининг чиройига чирой қўшди. Замонавий «Бахт уйи» мажмуаси, Термиз давлат университетининг мухташам биноси, 10 минг томошабинга мўлжалланган стадион, «Дельфин» сузиш ҳавзаси, тиббиёт ва маданият масканлари, турар-жойлар вилоят маркази қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди.

Бугунги кунда ҳам Термиз шаҳрида замонавий корхоналар, коммуникация тармоқлари, инфратузилма объектлари, янги мактаблар, лицей ва коллежлар,

спорт мажмуалари бунёд этилиб, шаҳар янада гўзал ва обод бўлиб бормоқда. Кейинги йилларда фойдаланишга топширилган йирик sanoat корхоналари, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш иншоотлари вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига катта ҳисса қўшмоқда.

Бу йил Сурхондарё аҳли учун яна бир унутилмас йил бўлди. Президентимиз Ислам Каримовнинг фармонида мувофиқ мустақиллик йилларида шаҳар аҳлининг ижтимоий-иқтисодий, маданий соҳаларда эришган муваффақиятлари, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик муносабатларини ривожлантиришга қўшган муносиб ҳисса-

си, халқимизнинг тарихий ва маънавий меросини асраб-авайлаш, ёшларимизни улуг аждодларимизга хос эзгу қадриятлар, мардлик ва жасорат, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги катта хизматлари учун ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 23 йиллиги муносабати билан Термиз шаҳри Амир Темур ордени билан мукофотланди.

Термиз шаҳри Ватанимизнинг бу юксак мукофоти билан тақдирланишида чуқур рамзий маъно бор. Термиз барча замонларда ёв қаршида метин кўрган вазифасини ўтаб келган. Бу заминда мард ва танти, Ватани учун жонини ҳам фидо этишга тайёр ориятли халқ яшайди.

Президентимиз Ислам Каримов ушбу юксак мукофот — Амир Темур орденини топширди.

Маросимда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими раисининг ўринбосари Орзикул Соатов, Термиз шаҳридаги 4-ихтисослаштирилган мактаб-интернат директори Шохид Орипова, кураш бўйича жаҳон чемпиони Таштемир Муҳаммадиев, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид сўзга чиқиб, Термиз шаҳрини Ватанимизнинг юксак ордени билан мукофотлагани, Сурхондарё вилояти ривожига қаратаётган эътибори учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

**А.САМАДОВ,
Х.МАМАТРАЙИМОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари**

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ ЖАМОАСИГА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бугунги кунда биз маънавий ҳаётимизни юксалтириш йўлида бошқалар ҳавас қиладиган қандай катта натижаларга эришган бўлсак, ҳеч шубҳасиз, бу борада театр санъати, хусусан, Ўзбек Миллий академик драма театрининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини халқимиз, жамоатчилигимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Айни шу боис бундан ўн уч йил муқаддам ушбу ижод даргоҳига Ўзбек Миллий академик драма театри деган юксак мақом берилгани унинг тарихида янги саҳифани бошлаб берди, десам, ўйлайманки, барчангизнинг фикрингизни ифода этган бўламан.

Юбилей муносабати билан академик театр биноси тубдан капитал таъмирлангани, энг замонавий техник воситалар билан жиҳозлангани, Миллий театримиз бутунлай янги-ча қиёфа касб этиб, дунёдаги ривожланган давлатларнинг санъат масканлари билан беллаша оладиган даражага етгани барчамизга мамнуният бағишлайди.

Азиз санъаткорлар!

Бугун биз бунёд этаётган янги ҳаёт, янги жамиятнинг маънавий асосларини янада мустаҳкамлашда сизлар яратган ва келгусида яратадиган ранг-баранг асарларни миллионлаб санъат ихлосмандлари хайрат ва ҳаяжон билан томоша қилишини, умр йўлларида барчамиз дуч келадиган, ҳар бир инсонни

ўйлантирадиган мураккаб саволларга театр ибрати орқали жавоб топишни истаймиз.

Бу ҳақда гапирганда, халқимиз театр саҳнасида бугунги ҳаётимизни теран акс эттирадиган, турли синовларда тобланган, ўз келажагини ўз қўли, ўз меҳнати билан яратётган, Ватан тақдирини ўз тақдир деб биладиган фидойи инсонлар — замонамиз қаҳрамонлари қиёфасини ёрқин ифода этадиган янги асарларни орзиқиб кутаётганини ана бир бор таъкидлаш ўринлидир.

Сиз, азизлар мамлакатимиз театр санъатининг энг яхши анъаналарини бойитиб, янги авлодларга безавол етказасиз, юксак бадиият ва ҳаққонийлик, эзгу мақсадларга

хизмат қилиш руҳи билан суғорилган етук асарларингиз билан халқимиз, аввало, ёшларимизнинг маънавий оламини янада юксалтиришга муносиб ҳисса қўшасиз, деб ишонаман.

Қадрли дўстлар!

Барчангизни бугунги қутлуғ байрам билан ана бир бор табриклар эканман, сизларга янги-янги ижодий ютуқлар, сийҳат-саломатлик, хонадонларингизга бахту саодат тилайман.

Мухлисларингиз, санъатсевар халқимизнинг меҳри ва эътибори сизларни ҳеч қачон тарк этмасин.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

МАЪНАВИЯТ МАСКАНИНИНГ ҚУТЛУҒ ТҮЙИ

Пойтахтимизда 28 ноябрь куни Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллигига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 22 январдаги «Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори мамлакатимиз маданий ҳаётида унутилмас воқеалардан бўлди. Ушбу ҳужжат театр жамоасининг нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиё минтақасида профессионал театр санъатига асос солиш ва уни ривожлантириш, халқимизнинг бой маданий мероси ва анъаналарини асраб-авайлаш, юртдошларимиз, яхшилик, ёш авлодни эзгу қадриятлар, ватанпарварлик, фидойилик руҳида камол топтириш, ёш истеъдодларни тарбиялаш борасидаги улкан хизматларининг ёрқин эътирофидир.

Шу қутлуғ санага бағишланган тадбирга вазирилик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олий таълим даргоҳлари профессор-ўқитувчилари, санъат ва маданият намоёндалари, ижодкор зиёлилар, талаба-ёшлар, мухлислар тақлиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбек Миллий академик драма театри жамоасига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Мамлакатимизда театрлар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш юзасидан кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Буларнинг барчаси юксак инсоний гоёларни тарғиб этувчи, замонамиз қаҳрамонлари образи яратилган мукамал саҳна асарларини яратишдек долзарб вазифани ижодкорлар зиммасига юк-ламда.

Президентимиз қарори ижроси бўйича капитал таъ-

мирланган Ўзбек Миллий академик драма театри биноси санъат ихлосмандлари, театр фидойилари, кенг жамоатчилик учун ўзига хос туҳфа бўлди.

Театр биносининг ташқи қисми, томоша залидаги ўриндиқлар, саҳна остидаги ҳаракатлантирувчи механизмлар тўлиқ янгиланди. Саҳнада махсус эффектли ёриткичлар, овоз кучайтириш ускуналари, томошабинларга янада қулайлик яратиш мақсадида залда иккита йирик монитор ўрнатилди. Кичик зал драматурглар, режиссёрлар билан ижодий учрашувлар, талаба-ёшлар учун маҳорат сабоқлари, уларнинг илк ижодий ишлари намоишини ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади.

Театр музейи янги экспонатлар, саҳна санъати ривожига юксак ҳисса қўшган актёрлар, режиссёрлар, театр рассомлари, пардоз, грим ва декорация усталарининг портретлари, шахсий буюмлари, китоблар, қимматли фотосуратлар билан бойитилган.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2014 йил 27 ноябрдаги «Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллиги муносабати билан театр ижодкорларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонида кўра ижодий жамонинг бир гуруҳ ходимлари Ватанимизнинг faxрий унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланди.

Тадбирда Ватанимизнинг ана шу юксак мукофотлари топширилди.

Маросимда театр директори М.Исмоилов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, Ўзбекистон халқ артисти М.Холиқова, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист А.Набиев, «Дўстлик» ордени соҳиби, театр рассоми

O'zbek Milliy akademik drama teatring 100 yilligi



С.Цой ва бошқалар миллий маънавиятимиз, маданиятимиз ва санъатимиз ривожини йўлидаги улкан эътибори учун Президентимизга самимий миннатдорлик билдирди. Давлатимиз раҳбарининг театр юбилейи муносабати билан йўллаган табриги театр жамоасининг қалбини фахр-ифтихорга тўлдиргани таъкидланди.

— Юртимиздаги тинч-осойишта ҳаёт, маънавий-маърифий соҳалардаги буюк ўзгаришлар театр санъати ривожига ҳам асосий омил бўлмоқда, — дейди Ўзбекистон халқ артисти, "Фидокорона хизматлари учун" ордени соҳиби Тўти Юсупова. — Камтарона меҳнатим юксак кадр ва эъзоз топангидан фойда мамнунман. Биз — санъаткорларга қаратаётган иззат-эҳтироми, ёшлар маънавиятини юксалтириш, театр ижодкорларини янги парвозлар сари руҳлантириш борасида кўрсатаётган улкан ғам-хўрлиги учун Президентимиздан беҳад миннатдоримиз.

Бадиий кечада Миллий театрининг 100 йиллигига бағишланган киноижодкорлар томонидан яратилган ҳужжатли фильм, виолетлар ва пой-

тахтимиздаги театр жамоалари, санъат усталари иштирокида тайёрланган театрлаштирилган мусиқий дастур намоиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Ислам Каримов раҳнамолигида миллий театр санъатимизни ривожлантириш борасидаги эзгу ишлар қўламини кенгайиб бораётганини таъкидлади.

Шу куни Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида «Ўзбекистон театр санъати: тарих, тараққиёт ва истиқбол» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ўзбекистон Фанлар академияси, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анжуманда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, театршунос олимлар, профессор-ўқитувчилар, драматурглар, режиссёрлар, талабалар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги вазири бажарувчи Б.Аҳмедов, Ўзбекистон Республикаси Фанлар

академиясининг вице-президенти Б.Абдуҳалимов, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректори Б.Сайфуллаев, Ўзбекистон халқ артисти Т.Азизов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий театр санъатимизни ривожлантириш борасидаги эзгу ишлар қўламини кенгайиб бораётганини таъкидлади.

Ўтган йиллар мобайнида Миллий театримизда саҳналаштирилган кўплаб асарлар халқимиз қалбидан жой олди.

Конференцияда драматургия ва театр репертуари, Миллий театр режиссураси истиқболлари каби мавзулардаги маърузалар тингланди.

Анжуман доирасида «Ўзбек Миллий академик драма театри» китоб-альбомининг тақдироти бўлиб ўтди. Фафур Фулом номидagi нашриёт-матбаа ижод уйида чоп этилган ушбу китоб-альбом ўқувчиларнинг театр тарихига оид билимини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

2014-yil 29-noyabr, № 96 (8745)

Бугун юртимиз умумтаълим мактабларида сифатли билим олиш учун яратилаётган замонавий шарт-шароитлар, энг сўнги русумдаги ўқув анжомлари, янгича мазмунда, ўзига хос ёндашувлар асосида яратилаётган дарслик ва қўлланмалар болаларни билимларнинг сирли оламига етакламоқда. Айтиш жоизки, соғлом ва баркамол, дунёқараши кенг, тафаккури теран ёш авлодни вояга етказишда бошлангич таълимнинг ўрни ниҳоятда катта. Куйи синфларда дарслар ўқувчиларнинг ёши, билим савиясига мослаб, қизиқарли методлар асосида ташкил этилаётгани болаларнинг фанларни чуқур ўзлаштиришини таъминламоқда.

Оддий, осон ва кам вақт сарфланадиган ўйин машқларидан фойдаланган ҳолда атроф-муҳит билан боғлаб ўтилган машғулотлар бола онги, дунёқараши, ўз фикрини эркин баён этиш қobiliятини, мустақил ишлаш кўникмасини ривожлантиради. Бу масъулиятли вазифани бажариш учун ҳозирги замон ўқувчиси, айниқса, бошлангич синф ўқувчисида ўз касбий маҳоратини мунтазам ошириб бориш, илгор педагогик технологиялар моҳиятини чуқур англаш, улардан унумли фойдаланиш талаб этилади. Мавзуларни содда ва қизиқарли тарзда тушунтиришда методик тавсия ва қўлланмаларнинг ўрни катта бўлиб, педагогларнинг заҳматли меҳнатини енгиллатишга, таълим сифат самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Шу йўналишдаги вазифаларнинг "Соғлом бола йили" Давлат дастурида ҳам ўз ифодасини топгани мамлакатимизда бошлангич таълим сифатини оширишга нечоғлиқ катта эътибор қаратилаётганидан далолат беради. Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида Халқ таълими вазирлиги томонидан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети олимлари, методистлар ва амалиётчи ўқитувчилардан иборат ижодий гуруҳлар тузилиб, 2014–2017 йилларга мўлжалланган режа асосида 1-синф ўқитувчилари учун етти номдаги методик қўлланмалар яратилди.

"Саводга ўргатиш дарслари", "Она тили", "Ўқиш", "Математика", "Атрофимиздаги олам", "Русский язык", "Книга для чтения" номли методик қўлланмалар 410 000 нусхада мультимедиа иловаси(дисклари) билан тайёрланиб, жойларга бепул етказиб берилди. Ҳозир ҳудудларда китоблар муаллифлари иштирокида қўлланмалар тақдимиго бағишланган семинарлар ташкил этилиб, улардан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар берилмоқда. Мультимедиа иловалар болаларни дарсларга қизиқтирувчи фото ва видеолавҳалар, қизиқарли ўйинлар билан бойитилган.

Бола илк бор мактабга қадам қўяр экан, унинг саводини чиқариш жараёни ҳарфларни таниш, ёзиш ва ўқишга ўргатишдан бошланади. Бошлангич синф ўқувчиси давлат таълим стандарти бўйича боланинг мантиқий тафаккур кила олиш салоҳияти ва ақлий ривожланишига, дунёқараши, коммуникатив саводхонлигини, эркин фикрлаш ҳамда уни озғани ва ёзма равишда раво баён қила олиш кўникмаларини эгаллашга эришиши лозим. Ана шу мақсадлар қамраб олинган "Саводга ўргатиш дарслари" методик қўлланма-

сида илгор педагогик ҳамда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, тест топшириқлари, дам олиш дақиқалари асосида дарсларни ташкил этиш усуллари ёритилди. Ўқувчиларнинг дарсларга ижодкорлик билан ёндашишини таъминлаш мақсадида бошлангич синф ўқитувчилари фаолиятига илгор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш билан бирга, бошлангич синф «Алифбе» ва «Ёзув» дарслари

учун 14та дарс ишланмаси киритилган. Улардан «Алифбе» бўйича 20та дарс учун 42та анимацияли, 11та видеолавҳа, 9та қўшиқ, 33та товуш ва сўз талаффузи, 19та лугат иши, 17та ҳуснихат намуналари, 8та тест топшириғи, 17та ўйин, 3та мультфильм, «Ёзув» бўйича эса 9та дарс учун 16та анимацияли лавҳа, 3та қўшиқ, 10та ҳуснихат намуналари, 12та ўйин жой олган.

Саводга ўргатиш дарсларидан кейин 1-синфда ўқиш дарслари учун 68 соат ажратилган. «Ўқиш» методик қўлланмасига 21та слайдди дарс ишланмалари ҳамда «Ўқиш китоби» дарслигининг мультимедиа иловаси яратилди. Бу иловача 42та анимацияли ва 16та видеолавҳа, 6та қўшиқ, 20та лугат иши, 43та ўйин, 15та тест топшириқлари киритилган.

Мультимедиа иловасининг 1-саҳифасида ўқувчилар қўлида гулдастада 21та дарснинг сони (тақвим-мавзу режа асосида) кўрсатилган. Ўқитувчи дарс рақами устидаги тугма-

тимедиа иловалар орқали ўқитишнинг ўйинли шакллари ва илгор технологиялардан фойдаланилган дарс ишланмалари берилган. Бу материаллардан янги мавзунини тушунтиришда, билимларни мустаҳкамлаш ва такрорлашда кенг фойдаланиш мумкин. Ўқитувчиларга методик ёрдам сифатида қўлланма сўнгида бўлимлар бўйича ўқувчиларнинг эгаллаган билимларини мустаҳкамлаш ва текшириш учун турли топшириқлар берилган.

Мультимедиа иловалар ўйинлардан унумли фойдаланиш, ўқувчиларнинг ўзлаштиришини назорат қилишда қўл келади. Тест, назорат ишлари интерфаол, тез ва қулай шаклда ўтказилади. Мультимедиа иловани 20та анимацияли ва 26та видеолавҳа, 20та лугат иши, 26та ҳуснихат, 6та тест топшириғи, 6та ўйин, 3та мультфильм ташкил этади. Бу

— дарс жараёнида ўқувчиларнинг фаоллигини ошириш; — ажратилган вақтдан унумли фойдаланиш.

Ўқув режаси бўйича 1-синф «Математика» фанига 165 соат ажратилган. Методик қўлланмадан 32та дарс машғулотиға мўлжалланган мультимедиа дарс ишланмаси жой олган. Уларда ўқитишнинг ўйинли шакллари, интерфаол методлар, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш имкони яратилган. Методик қўлланманинг мультимедиа вариантыни анимация, мультфильм, тест топшириқлари, мантиқий масалалар, дам олиш дақиқалари учун мўлжалланган видеоматериаллар ташкил этади.

"Атрофимиздаги олам" болажонларнинг табиат-борлиқ ҳақидаги тасаввурларини бойитади. Бу фанни ўқитиш бошлангич синф ўқитувчисида катта тажриба ва амалий билимларни талаб қилади. Янги методик қўлланмадан ўрин олган илгор метод ва кўрсатмалар бу борада педагогга яқин кўмакчи вазифасини ўтайди. Китобча дарсда интерфаол методлар, мультимедиа маҳсулотларидан фойдаланиш юзасидан методик тавсиялар билан бойитилган 15 та мавзу бўйича намунавий дарс ишланмаси берилган. Мультимедиа иловача 14та дарс учун 22та анимация, 21та видео ва мультфильм, 13та қўшиқ, слайд-шоу номи билан 64та слайд материаллари, 13та тест топшириқлари, 14та ўйин киритилди.

"Русский язык" ва "Книга для чтения" фанларидан методик қўлланмалар ва мультимедиа иловалар ҳам ўқитувчиларнинг ҳар бир дарсини қизиқарли ўтишида асқотади. Шунингдек, «Саломатлик дарслари» (1–4-синфлар учун) фанидан ўқув дастури ва «Соғлом авлод асослари» (5–9-синфлар учун) мультимедиа методик тавсиялар яратилиб, Ziyonet — таълим порталига жойлаштирилди.

Умуман олганда, яратилган методик қўлланмалар ва уларнинг мультимедиа иловаларида тавсия этилган таълимий ўйинлар ўқувчида томоша қилиш ва кўрганлари юзасидан фикр юритиш, унга муносабат билдириш, ўртоқларининг фикрини эшитиш маданиятини тарбиялайди. Бола шахсида инсоний фазилатларни қарор топтиради. Ўқитувчини эса янада изланишга ундайди, дарсга алоҳида тайёргарлик кўришига кўмаклашади.

Таълим-тарбиянинг дастлабки босқичи — 1-синфда болажонларга бундай замонавий усулда дарс ўтиш, уларнинг мактабга мослашувини жадаллаштиради. Мурғак қалб соҳибларининг мактабдаги вақти янада мазмунли ўтиб, билим олишга муносабатига юксалиш кузатилади. Бир сўз билан айтганда, бошлангич синф ўқитувчилари учун тайёрланган бу қўлланмалар ўқитиш сифатини янада юксалтиришга асос бўлади.

Абдуманнон СОБИРОВ,
Республика таълим
маркази директорининг
биринчи ўринбосари

ЎҚИТУВЧИГА ЯҚИН КЎМАКЧИ

етти номдаги мультимедиа иловали методик қўлланма дарсларни қизиқарли ўтишда асқотади



учун мультимедиа ишланмалар ҳам яратилди. Бу қўлланмалар ўқитишнинг ўйинли шакллари ва медиатеологияларидан кенг фойдаланишда қўл келади. Мультимедиа иловалар ўқитувчиға дарсга тайёргарлик кўришда ва дарсини ташкил этишда:

— фанлар бўйича ўқувчиларга қўшимча маълумотлар бериш ва олинган билимларни мустаҳкамлаш;

— дарсларни замон талаблари асосида ташкил этиш;

— ўқувчиларни дарсга қизиқтириш ва фаоллаштиришга эришиш имконини беради.

Саводга ўргатиш даври учун ўқув режаси асосида 128 соат вақт ажратилган бўлиб, шундан 64 соатида «Алифбе» сабоқлари, қолган ярмида эса «Ёзув» дарслари ўтилади. Методик қўлланмада ўқитувчилар учун ҳар бир тушунча ва кўникмани ҳосил қилишда фойдаланиладиган савол ва топшириқлар тизими тавсия этилган. «Алифбе» дарслиги бўйича 21та дарс ишланмаси, «Ёзув» сабоқлари

чани босганда, экранда «Ўқинг ва кузатинг», «Лугат», «Тест», «Ўйин», «Машқ», «Видео», «Дам олиш дақиқаси» каби белгилар акс этади.

Ўшбу материаллардан янги мавзунини тушунтириш, мустаҳкамлаш ва такрорлаш жараёнида кенг фойдаланиш назарда тутилган. Бу жараён 1-синф ўқувчиларининг сифатли билим олишига хизмат қилади.

Мультимедиа иловачи видеоларлар ўқувчиларнинг амалий тафаккур ва тасаввурини шакллантиради. Мавзулар қизиқарли очиб берилгани боланинг тез ва осон тушуниб олишига имкон яратяди. Шунингдек, дарс давомида ўқувчилар толиқмаслиги ва зерикмаслиги учун мусиқали дам олиш дақиқаларига ҳам ўрин ажратилган. Ўқиш дарслари учун тақдим этилган дидактик ўйин ва бошқотирмалар ҳам боланинг мантиқий фикрлаш ва ҳозиржавоблик қobiliятларини янада ривожлантиради.

Она тилидан методик қўлланмада 26та дарс учун мультимедиа иловалар орқали ўқитишнинг ўйинли шакллари ва илгор технологиялардан фойдаланилган дарс ишланмалари берилган. Бу материаллардан янги мавзунини тушунтиришда, билимларни мустаҳкамлаш ва такрорлашда кенг фойдаланиш мумкин. Ўқитувчиларга методик ёрдам сифатида қўлланма сўнгида бўлимлар бўйича ўқувчиларнинг ўзлаштиришини назорат қилишда қўл келади. Тест, назорат ишлари интерфаол, тез ва қулай шаклда ўтказилади. Мультимедиа иловани 20та анимацияли ва 26та видеолавҳа, 20та лугат иши, 26та ҳуснихат, 6та тест топшириғи, 6та ўйин, 3та мультфильм ташкил этади. Бу

ўқитувчининг дарсини замонавий тарзда моделлаштиришда қўл келади.

"Математика" — болажонларга мантиқий фикрлашни, ҳисоб-китобни ўргатувчи фан. Шу номдаги методик қўлланма дарс жараёнига илгор педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш бўйича самарали тавсиялар берилгани билан аҳамиятлидир. Мультимедиа дарс ишланмалари ўқувчиларнинг озғани ва ёзма математик нутқи, тафаккури, хотираси ва математик тушунчалар ҳақидаги тасаввурларини бойитади. Мазкур ноънаванавий дарс ишланмалари дарсга тайёргарлик кўриш ва уни олиб боришда ўқитувчиға қуйидаги қўлайликларни яратяди:

— дарсини замонавий педагогик ва ахборот технологиялари ёрдамида ташкил этиш;

— математика фани бўйича билимларни мустаҳкамлаш, чуқурлаштириш учун қўшимча маълумот ва ахборотларга эга бўлиш;

Yangiliklarda yurt nafari



❖ Наманганда "Мустахкам оила — баркамол авлод, нури келажак" мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари кўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, БМТнинг Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Журналистларни қайта тайёрлаш маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида репродуктив саломатлиқни мустахкамлаш, оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, соғлом фарзанд туғилишини таъминлашга қаратилаётган эътибор юксак самаралар бераётгани таъкидланди.

Тадбирда "Аҳил ва соғлом оила — жамият таянчи", "Тиббий қўрик — оилалар мустахкамлиги, соғлом авлоднинг дунёга келтириш ва улғайтириш асоси", "Болалар иқтидорини камол топтиришда мусиқа ва санъатнинг роли", "Маънавий рағбат ва истеъдодларни кашф этишда ОАВнинг ўрни" каби мавзуларда маърузалар тингланди.

❖ Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетида "Кон-металлургия тармоғини инновацион ривожлантиришнинг муаммо ва йўллари" мавзусида халқаро илмий-техникавий конференция бошланди.

Анжуманда МДХ давлатларининг илмий-тадқиқот институтлари ва олий таълим муассасалари вакиллари, Олмалиқ ва Навоий кон-металлургия комбинатлари, "Ўзбек-кумир" акциядорлик жамияти ҳамда мамлакатимизнинг тоғ-кон саноати корхоналари мутахассислари иштирок этмоқда.

Анжуманда ер ости бойликлари оқилона фойдаланишнинг кон-геология, геомеханик ва геодезик жиҳатлари, ер ости бойликлари ўзлаштиришнинг геотехнологик ва экологик муаммолари, минерал хомашёни қайта ишлаш технологиялари ва металлургия ишлаб чиқаришини ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинмоқда.

Тадбир доирасида иштирокчилар Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг ишлаб чиқариш объектлари билан таништирилади.

❖ Хоразмда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг «Ёшлар ЭКО ҳаётни танлайди!» лойиҳаси тадбирлари ўтказилмоқда.

Лойиҳа доирасида Урганч шаҳри ва туманидаги Камолот ва Мевазор маҳаллаларида ўтказилган "Экохонадон" акциясида тежамкор лампалар бепул тарқатилди, уларнинг афзалликлари ҳақида маълумот берилди.

"Ёшлар ЭКО ҳаётни танлайди!" лойиҳасининг иккинчи босқичида вилоятдаги мавжуд олий таълим муассасалари талабаларидан таркиб топган "Қувноқлар ва зукколар" жамоасининг чиқишлари ҳамда таниқли эстрада хонандалари ва ёш истеъдодлар иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

❖ Пойтахтимизда «Ички касалликларда замонавий даволаш-диагностика технологиялари ва стандартлари» мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Конференцияда терапевтик касалликлар, ички аъзолар хасталиклари диагностикаси, терапияда шошилиш ҳолатларининг олдини олиш ва даволаш, умумий амалиёт шифокори ишда терапевтик касалликлар, шунингдек, замонавий диагностика ва даволаш стандартларини амалиётга татбиқ этиш борасида юртимиз ва МДХ мамлакатларидан ташриф буюрган таниқли олимларнинг маърузалари тингланди.

Ялпи йиғилишдаги «Ўзбекистонда ички касалликлар тиббиёти ривожланишининг тарихий аспекти», «Юрак-қон томир касалликлари ва сурункали ноинфекцион касалликларнинг олдини олишда янги трендлар. Хавф омилларини коррекциялашга йўналтирилган назар» мавзуларидаги тақдиротлар барчанинг эътиборини тортиди. Куннинг иккинчи ярмида баҳс-мунозара, муҳокама кардиология, гастроэнтерология, пульмонология, ревматология ва неврология шўъбалари бўлиган ҳолда давом эттирилди.

Тадбир доирасида фармацевтика соҳасидаги янгиликларни намойиш этувчи кўргазма ташкил этилди.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз йўлаган материаллар асосида тайёрланди.

Ўқувчи нега бўш ўзлаштиради?

Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси методика маркази томонидан Юнусобод туманидаги 235-мактабда "Она тили ва адабиёт таълимида илғор педагогик технологиялар" мавзусида ўқув-амалий семинар ташкил этилди.

Ўтган ўқув йилидаги билимлар беллашуви ва мониторинг натижаларига кўра, она тили ва адабиёт фанидан ўқувчилар билимида аниқланган бўшлиқларни бартараф этишга бағишланган семинарда мураккаб мавзуларни илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида ўқувчиларга осон тушунтириш усуллари муҳокама қилинди.

— Болалар ўзлаштиришдаги бўшлиқларни вақтида аниқлаб, бартараф этиш муҳим аҳамиятга эга, — дейди Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси методисти Гулчехра Маманбоева. — Айни пайтда она тилидан талаффуз ва имло қоидалари, "х" ва "н" товушларини фарқлаш, сўзларнинг шакли ва маъно

муносабатига кўра турлари, боғланган ва эргашган қўшма гаплар бўйича, адабиётдан ғазаллар таҳлилида шеърини санъатларини, роман, қисса ва ҳикоя жанридаги асарларни бир-биридан ажратиш, мумтоз адабиёт намояндалари ижодини ўрганишда ўқувчилар билимида бўшлиқлар аниқланган. Семинарда мазкур масалалар соҳа мутахассислари томонидан атрофлича ўрганиб чиқилиб, бўш ўзлаштиришни бартараф этиш учун чора-тадбирлар белгиланди.

Тадбирда мураккаб мавзуларни осон тушунтиришга доир тавсия ва дарс ишланмаларини ўқитувчиларга етказиш, она тили ва адабиёт фанидан синфдан ташқари таълимига, яъни тўғра рақлар фаолиятини ривожлантиришга эътибор қаратиш, "Маҳорат мактаблари"да методик ёрдамга муҳтож педагоглар учун профессор-ўқитувчиларнинг дарсларини ташкил қилишга келишиб олинди.

Хайриддин МУРОД,
"Ma'rifat" мухбири

Қувончга тўла нигоҳлар

Пойтахтимизнинг Яшнобод туманидаги 231-мактабда "Соғлом бола йили"га бағишлаб тадбир ўтказилди. Жорий ўқув йилида 1-синфга қабул қилинган ўқувчилар устозларидан ўрганган билим ва қўникмаларини намойиш этди.

Болаларнинг қувноқ шеър-қўшиқлари, самимиятга йўғрилган бегубор чиқишлари тадбир иштирокчиларига завқ бағишлади. Жажжи ўғил-қизлар турли сабзавот, рақам ва ҳафта кунлари қиёфасида даврага чиқиб, ўз

салоҳиятларини кўрсатишди. Ўқувчилар нигоҳидаги қувонч, кўнглидаги жўшқинлиқни кўрган устозлари улардан мамнун бўлди.

— Бугунги ўтказилган тадбир болалар қалбида бир умр сақланиб қолса, ажаб

эмас, — дейди бошланғич синф ўқитувчиси Офтоб Алихонова. — Ўқиш-ёзиш ўрганган, билимларини шеър, топшмоқ, эртак ва ҳикоялар асосида намойиш қилган ўғил-қизлар келгусида Ватанимизнинг фидойи, муносиб фарзанди бўлиб улғайди, юрт равнақига ўз ҳиссасини қўшади.

Наргиза МАХМУДОВА,
ўқитувчи

Қорақалпоқнинг мумтоз шоири

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқали театрида қорақалпоқ мумтоз адабиёти вакили, шоир Ажиниёз Қўсиб ўғли таваллудининг 190 йиллиги муносабати билан республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Театр фойесида ташкил этилган кўргазма томошабинларда катта қизиқш юйотди. Унда шоир бобомизнинг китобларидан тортиб, профессор-ўқитувчиларнинг илмий ва бадиий асарлари, талаба-ёшлар ижоди, иқтидорли ёшларнинг расмлари, унутилмас онлардан хотиралар муҳрланган суратлар жой олган.

Конференцияда сўзга чиққанлар шоир Ажиниёз ва шоир номи билан аталувчи институт фаолияти, муваффақиятлари ҳақида гапириб, ёшларга яратилган қўлайликларни алоҳида қайд этишди.

— Қорақалпоқ халқининг маънавий ҳаётида мумтоз шоир Ажиниёз ва унинг номи билан аталадиган Нукус давлат педагогика институтининг алоҳида ўрни бор, — дейди институт ректори Барликбой Пренов. — Институтимиз ёш авлод таълим-тарбияси учун жон куйдирадиган фидойи ўқитувчи ва мураббийларни, илм йўлида изланишдан чарчамайдиган олимларни етиштириб бermoқда. Бугун бу олий таълим маскани Қорақалпоқistonнинг минглаб илмга чанқоқ ёшларининг сеvimли масканига айланиб улгурди.

Тадбир давомида Ажиниёз ҳаёти ва ижоди, институт тарихи ва бугунги фаолиятига оид «Қарақалпоқфильм» киностудияси томонидан суратга олинган ҳужжатли фильмлар намойиш этилди.

Несибели МАМБЕТИРЗАЕВА,
"Ma'rifat" мухбири

«Қадриятлар бешигисан, азиз маҳаллам»

Ўтпета туманидаги 296-умумтаълим мактабида «Қадриятлар бешигисан, азиз маҳаллам» шиори остида «Маҳаллам тарихини ўрганаман» танловининг туман босқичи бўлиб ўтди. Мактаб босқичида ғолиб бўлган 9-синф ўқувчилари ўзаро беллашди.

Ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, ўқувчилар онгига маҳалла муқаддас маскан эканини сингдириш каби эзгу ғояларга қаратилган танлов кўтаринки қайфиятда ташкил этилди. Иш-

тирокчалар белгиланган вақт ичида ўзи туғилиб ўсган маҳалла ҳақида иншо ёзиб, ижодий қўбилиятини намойиш этди.

Н.ЙҮЛДОШЕВА,
туман ХТМФМТТЭ бўлими методисти

Мактаб раҳбарлари учун машғулот

Пойтахтимиздаги 254-мактабда Шайхонтохур туманидаги таълим муассасалари директорлари учун «Маҳорат мактаби»нинг навбатдаги семинар машғулоти ташкил этилди. Тадбирда таълимда бошқарув тизими, меҳнат қонунчилигидаги ўзгаришлар хусусида сўз борди.



Машғулоти Тошкент юристлар малакасини ошириш маркази катта ўқитувчиси Абдусалом Рискуллаев олиб борди. Машғулотида иштирокчилар таълимга оид меъёрий ҳужжатларни юритиш, улар билан ишлаш, илғор ўқитувчиларни моддий рағбатлантириш, муаммоларни қонун йўли билан ҳал этиш бўйича билим ва қўникмаларга эга бўлдилар.

Тадбирда таълим муассасалари раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун муносабати билан «Инсон ҳуқуқлари — олий қадрият» шиори остида ўтказиладиган ҳуқуқий саводхонлик оилиги давомида амалга ошириладиган тадбирлар хусусида ҳам фикрлашиб олдилар.

Б.РИЗОКУЛОВ
олган сурат.

2014-yil 29-noyabr, № 96 (8745)

ТАКРОРЛАШНИНГ ОЛТИ ТУРИ

Такрорлаш — билимларнинг онасидир. Ўқувчи билимининг пухталиги кўп жиҳатдан такрорлаш дarsлари қай даражада сифатли ташкил этилганига ҳам боғлиқ.

Такрорлаш барча фанларга тегишлидир. Ўтилганларни яна бир бор ёдга олиш ва малака ҳосил қилишнинг бир неча усуллари мавжуд бўлиб, улар машғулотларни қизиқарли ва мазмунли ташкил этишда қўл келади. Масалан, она тили дarsида ўқитувчи олдин ўрганилган назарий билимлар, грамматик-орфографик қоидаларни мустақамлашга эътибор қаратса, ўқувчилар ўтилган мавзунини янада тўлиқроқ ўзлаштиради. Бу усулни мусобақа тарзда қўллаш янада самаралидир.

Такрорлаш мақсадига кўра олти тил бўлади:

1. **Ўқув йили бошидаги такрорлаш** ўқувчиларнинг ўтган ўқув йилида ўрганганларини бир сидра ёдга олиши учун ўтказилади. Яъни, 5-синфга ўтган болалар бошлангич синфда ўрганганларини такрорлайди. 6- ва ундан юқори синфларда кўйи синфда ўргатилган билимлар эсга олинади. Аҳамиятлиси, ўқув дастурида такрорлаш учун махсус ўқув соатлари ажратилган, darsликларга эса такрорлаш учун алоҳида машқлар киритилган. Масалан, 6-синф «Она тили» darsлигининг 5-синфда ўтилганларни такрорлаш бўлимида бир неча мусобақа уюштириш тавсия этилган. «Бир маъноли ва кўп маъноли сўзлар» бўйича такрорлаш учун 25- машқ кўйидаги тартибда берилган: икки гуруҳга бўлиниб, мусобақа уюштиринг. Ер, ой, осмон, юлдуз, очик, умр сўзларини биринчи гуруҳ ўз маъносиди, иккинчи гуруҳ кўчма маънода қўллаб, гап тузсин ва

изоҳласин. Мусобақани гуруҳлар кўйидаги тартибда олиб бориши мумкин.

1-гуруҳ: Осмонда тўлин ой чарақлади.

2-гуруҳ: Алишер Навоий 1441 йилнинг февраль ойида таваллуд топган.

2. **Янги мавзунинг такрорлаш.** Бу усул «мавзунинг мустақамлаш» деб ҳам аталиб, янги мавзу ўргатилган захоти ташкил этилади. Ўқувчилар янги билимларни ўрганиб бўлган, тушунарларни мустақамлаш учун бир неча машқ ва амалий мисолларни қўриб чиқишади. Бу darsнинг энг асосий босқичларидан бири саналади. Мустақамлаш мавзунинг эсда усроқроқ сақланиши, уйга берилган вазифаларни пухта бажариш, келгуси соатда такрорлаш darsларини ижодий ташкил этиш учун замин бўлади.

3. **Ўтган darsни такрорлаш** — олдинги соатда ўрганилган мавзунинг эсга

олиш демак. Ушбу босқич ўқувчиларнинг фанни ўзлаштиришини яхшилаб, билимини мустақамлайди. Болада ўрганган билимларига нисбатан қатъий фикр, ўзига ишонч пайдо бўлади.

4. **Олдин ўрганилган билимларни ўқувчиларнинг эсига тушириш учун такрорлаш.** Бундай такрорлаш янги мавзунинг ўрганишга тайёргарлик босқичи саналади. Масалан, «Эга» мавзуси бўйича олинган билимларни такрорлаб, кейин янги мавзунинг баён этишга ўтилади. Шу йўл билан ўргатилган ва ўргатилмаган мавзулар ўртасида изчиллик, мантиқий боғланиш ҳосил қилинади.

5. **Катта мавзу, боб ёки бўлим якунига етганда тизимли такрорлаб олиш.** Мавзу поғонага етган, бўлим(боб)да ўрганилган билимларни такрорлаб олишнинг хосияти кўп. Darsда ўқувчилар мавзунинг қай бир жиҳатини тушунмай қолган бўлса, умумий такрорлаш жараёни бу ўринда асқотади. Қолаверса, бу уларнинг билимларини тизимлаштириш ва умумлаштиришга хизмат қилади.

6. **Ўқув йили охиридаги якуний такрорлаш.** Бундай такрорлашда ўқувчиларнинг билимлари тартибга солинади. Мавзулар юзасидан умумий ва якуний хулосалар чиқарилади. Буни darsликлар мисолида кўрадикан бўлсак, 5-синф «Она тили» darsлигининг 571-машқини мусобақа тарзида бажариш тавсия этилган. Мусобақа «Ким яхши урдалайди?» деб номланиб, икки босқичда ўтказилади. Биринчи

босқичда ҳамма биттадан гап тузади. Жумладаги барча сўзлар мустақил сўзларга оид бўлиши керак. Гапда ўртача олтига сўз бўлади. Ўринли қўлланган ёрдамчи сўзлар ҳам ҳисобга олинади. Хар бир сўз учун бир балл берилади. Иккинчи босқичда ўқувчилар ўзи тузган гапдаги сўзларни синонимларига ўзгартириб қиқиси керак. Отни бошқа бир отга ёки оломосига, сифатни бошқа даражага, феълни бошқа шахс-сон, замонга ўзгартириши керак ва ҳоказо. Хар бир ўзгартириш учун бир балл берилади. Мусобақа яқка тартибда ёки гуруҳ шаклида ўтказилиши мумкин. Фолиб гуруҳ ёки ўқувчи рағбатлантирилади. Бу усул ўқувчиларда гап тузиш кўникмаси ва малакаларини ривожлантиради. Қолаверса, фанни янада чуқурроқ ўрганиш, ўз устида ишлаш, изланишга иштиёқ уйғотади.

Умуман, такрорлаш darsларида мусобақа уюштиришнинг йўллари кўп. Ўтилганларни такрорлаш ва малака ҳосил қилиш машғулотлари турли машқлар асосида ташкил этилади. Бунда ўргатилган билимлар олдин ўзлаштирилган билимларга таққосланиб, ўқувчиларда нутқ кўникмалари шакллантирилади. Айтиш мумкинки, ўқитувчи хар қандай darsни ўз маҳорати ва ижодкорлигини ишга солган ҳолда ташкил этса, таълимда қўтилган натижага эришилади.

Азиза ОБЛОБЕРДИЕВА,
Учқудуқ туманидаги 20-
умумтаълим мактаби ўқитувчиси

ТАЪЛИМГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

илғор педагогларни муҳокама столи атрофида бирлаштирди

Бухоро вилоятида «Таълим-тарбия жараёнига замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш» мавзусида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Анжуманда Республика таълим маркази мутахассислари, Абдулла Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ, Қори Ниёзий номидаги ЎзПФТИ, Низомий номидаги ТДПУ ҳамда вилоятлардаги барча ПКҚТМОИлари ва халқ таълими бошқармаларининг методика марказлари раҳбарлари, етакчи олим ва мутахассислар, илғор тажрибали педагоглар иштирок этди.

Бухоро шаҳридаги 1-болалар мусика ва санъат мактабидида ўтказилган тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар конференциянинг мазмун-моҳияти, мақсади, илғор педагогик ва ахборот технологияларининг таълим сифати ва самардорлигини оширишдаги аҳамияти ҳақида сўз юритишди.

— Таълим тараққиётнинг муҳим омилдир, — дейди Республика таълим маркази директорининг ўринбосари Меҳринисо Пардаева. — Айниқса, халқ таълими тизими ёш авлод камолотида муҳим ўрин тутади. Шу боис умумтаълим мактаблари ўқитувчилари зиммасидаги масъулиятни теран ҳис этган ҳолда мунтазам изланиш, замонавий билимларга эга бўлиш ва ўқитиш сифатини янада юксалтиришга интилиш, бу борада ўзининг муносиб улушини қўйиши зарур. Бугунги анжуман педагогларга тизимдаги янгиликлардан хабардор бўлиш ва таълим сифатини оширувчи энг замонавий, илғор тажрибаларни ўрганиш, ўзаро фикр алмашиш имконини беради.

Иштирокчилар дастлаб Бухоро шаҳридаги таянч тажриба-тадқиқот мактаблари фаолияти билан яқиндан танишишди. Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг 2014 йил 15 августдаги «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг умумтаълим фанлари бўйича

Anjuman

ўқувчиларда компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилган ДТС ва ўқув дастурлари лойиҳаларини тажриба-синовдан ўтказиш тўғрисида»ги қўшма буйруғига асосан вилоятдаги 5та умумтаълим мактабидида тажриба-синов ишлари олиб боришмоқда. Иштирокчилар синов ишларининг дастлабки чоракдаги натижалари билан танишиш асносида тажрибали ўқитувчиларнинг намунали darsларини кузатиб, атрофлича таҳлил қилишди.

— Бухоро шаҳридаги 35-мактабда ўтказилган darsлар АКТ ёрдамида жонли ва қизиқарли методлар асосида ташкил этилгани билан бизда катта таассурот қолдирди, — дейди Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармаси методика маркази раҳбари Мамлакат Равшанова. — Машғулотларнинг хар бир босқичи ноанъанавийлиги билан ўқувчиларнинг қизиқишини янада ошириб, darsдаги фаол иштирокини таъминлади. Мактабнинг «Оила — маҳалла — мактаб — коллеж» ҳамкорлигига доир тажрибаси ҳам катта қизиқиш уйғотди. Ҳамкорлик асосан фан ойлликлари доирасида ўтказилиб, аввало, ўқувчиларнинг фанга муносабати ўрганилади. Сўнг психолог томонидан фан ўқитувчилари ва синф раҳбарлари учун зарур тавсиялар ишлаб чиқилади. Фан ойллиги доирасидаги тадбирлар ўқувчи-

лар қизиқиши ва қобилиятига қараб кўрик-танлов ва кўргазма шаклида ўтказилади. Жараёнда ота-оналар ҳам бевосита иштирок этиб, фарзандларининг салоҳияти, қизиқиши, лаёқати билан танишиб, улар билан уйда қандай ишлаш кераклиги, қайси касбга йўналтириш лозимлигини аниқлаб олади.

Куннинг иккинчи ярмида илмий-амалий конференция иши шўъбаларда давом этди. Олтига шўъбада ўқув-тарбия жараёнини самарали бошқаришга йўналтирилган, ўқувчиларни фаоллаштирувчи ва ўйин тарзидаги технологиялар, шунингдек, махсус таълимга педагогик технологияларни жорий этиш тажрибалари ўрганилди. Мавзулар бўйича атрофлича фикр-мулоҳаза юритилиб, таклифлар киритилди. Шу асосда тавсиялар ишлаб чиқилиб, ялпи йиғилишда иштирокчилар эътиборига ҳавола этилди. Жумладан, тажриба-тадқиқот натижаларига кўра, шахсга йўналтирилган, ўқув жараёнини самарали бошқариш ва ташкил этишга асосланган таълим технологияларини доимий равишда апробациядан ўтказиб амалиётга жорий этиш, АКТ ва инновацион педагогик технологиялар ёрдамида бошлангич таълим сифатини ошириш, ўқитувчиларни инновацион педагогик фаолиятга тайёрлаш, уларда педагогик ижодкорлик, касбий компетенцияларни эгаллаш кўникмаларини ривожлантириш лозимлиги алоҳида қайд этилди.

Очиқ darsларни самарали ўтказган илғор ўқитувчилар ҳамда вилоятдаги қатор мактабларнинг тажрибалари республика миқёсида оммалаштириш учун тавсия этилди.

Ўғиллой ЮСУПОВА,
Республика таълим маркази бўлиб бошлиги,
Ирода ОРИПОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Наманган шаҳридаги умумтаълим мактабларининг бошлангич синф ўқувчиларига тарбиявий соатларда «Тўғри овқатланиш darsлари» «Нестле Ўзбекистон» масъулияти чекланган жамиятининг Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда амалга ошираётган «Соғлом болалар» ўқув дастури доирасида ташкил этилмоқда.

САЛОМАТЛИК САБОҚЛАРИ

Тўғри овқатланиш асосларини ўргатишга мўлжалланган мазкур дастур айна пайтда дунёнинг 68 мамлакатидида 6 миллиондан зиёд болалар иштирокида муваффақиятли амалга ошириляпти. Жумладан, юртимизда ҳам лойиҳанинг иштирокчилари сони ортмоқда. Илғорроқ дастлабки darsлар пойтахтимиз мактабларида бошланган эди. Энди эса наманганлик ўқувчилар ҳам мазкур дастурда иштирок этишапти.

Шу муносабат билан ўтказилган семинарда сўзга чиққанлар ййигиланларни дастур билан таништирар экан, «Тўғри овқатланиш darsлари»ни ташкил этишдан кўзланган мақсад болаларга тўғри овқатланиш тартибини ўргатиш, соғлом турмуш тарзини ўқувчилар орасида оммалаштиришдан иборатлигини таъкидлашди.

Анжуман иштирокчиларига «Тўғри овқатланиш darsлари» ўқув қўланмиси тақдим этилиб, машғулотларни ташкил этиш бўйича зарур тавсиялар берилди.

Ғанишер АКБАРОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Маънавиятимизнинг ўзаги — миллий анъаналаримиз оила бағрида, маҳалла оstonасида, нуруний боболаримизнинг болажонларга айтадиган эртакларини дуоғўй момоларимизнинг ўланларида шаклланиб, камол топади.

Бинобарин, халқ оғзаки ижодининг катта бўлагини ташкил қилувчи алла, эртак, дoston, топишмоқ, лапар, ўлан ва бошқа кўплаб фольклор жанрларининг баркамол авлод тарбиясида аҳамияти юқори. Агар санаб ўтилган фольклор жанрлари номига эътибор қаратсак, ҳар бири болалик даври-мизданоқ онгу шууримизга сингиб кетганини аниглаймиз. Бугун ҳар биримиз кундалик жонли мулоқотда, сўзлашув жараёнида гоҳ билиб, гоҳ билмай кўплаб пурҳикмат нақлларни, маъноси кишини дол қолдирадиган маталларни, асрлар ардоғида сайқалланган иборалар, мақолларни кўлаймиз. Бундай ҳикматга бой бо-бомерос қадриятларимиз замиридаги эзуғулар ҳар бир авлод камолоти-га хизмат қилгани сингари бугунги кунда ҳам ўзининг асл моҳиятини сақлаган. Чақалоқ дунёга келган илк кунданоқ момоларимиз эзуғуликка йўғрилган айтим-олқишлар, аллалар, қизикмачоқлар, овуғмачоқлар орқали меҳрини дилбандлари қалбига жо этишларининг боиси ҳам шунда. Зеро, индивиддан то шахс камолоти-гача жасурлик, мардлик, ватанпарварлик каби дахлдорлик туйғулари алла орқали фарзанд шуурига сингади. Миллий менталитетимизнинг ўзагини ташкил этган халқ бадийи тафаккури Шарқ халқлари маънавиятининг шаклланиши ва тараққий этишида муҳим аҳамият касб этганлиги инобатга олинса, оиладаги илк педагогик тарбия айнан шу жанрлар орқали болалик даврдан бошлаб бадий-эстетик савияни оширишда муҳим пойдевор вазифасини ўтайди.

Халқимиз оғзаки ижод намуналари шу қадар ранг-баранг ва сермазмунки, юртимизнинг қай бир гўшасига борманг, албатта, оҳори тўкилмаган ўланларни, қиз-йигитларнинг назокатли туйғуларини ўзида мужасамлаштирган лапарларни, жон риш-таси — фарзандига меҳрини қўшиқча жо этган оналарнинг аллаларини эшитмай қайтмайсиз. Бухоро вилоятининг Қорақўл туманидаги Танга-чар қишлоғида яшовчи Шарофат Мурод Олим қизидан ёзиб олинган куйидаги аллалар халқимиз орасида тилдан тилга, дилдан дилга кўчиб келаётган айтимлардандир:

Булбул деганам бир қушир-ей,
алла-ё, алла,
Қандайям овози хушдир-ей,
алла-ё, алла,
Булбул деганлар гулдадир-ей,
алла-ё, алла,
Доимо кўзлари йўлдадир-ей,
алла-ё, алла.

Алла айтсам ўзингга-ё,
алла-ё, алла,
Уйқулар келгай кўзингга-ё,
алла-ё, алла,
Момогишанг қурбон бўлсин,
алла-ё, алла,
Биргина айтган сўзингга-ё,
алла-ё, алла.

Алла айтсам ўзингга-ё,
алла-ё, алла,
Уйқулар келгай кўзингга-ё,
алла-ё, алла,
Момогишанг қурбон бўлсин,
алла-ё, алла,
Биргина айтган сўзингга-ё,
алла-ё, алла.

Алла айтсам ўзингга-ё,
алла-ё, алла,
Уйқулар келгай кўзингга-ё,
алла-ё, алла,
Момогишанг қурбон бўлсин,
алла-ё, алла,
Биргина айтган сўзингга-ё,
алла-ё, алла.

Алла айтсам ўзингга-ё,
алла-ё, алла,
Уйқулар келгай кўзингга-ё,
алла-ё, алла,
Момогишанг қурбон бўлсин,
алла-ё, алла,
Биргина айтган сўзингга-ё,
алла-ё, алла.

Алла айтсам ўзингга-ё,
алла-ё, алла,
Уйқулар келгай кўзингга-ё,
алла-ё, алла,
Момогишанг қурбон бўлсин,
алла-ё, алла,
Биргина айтган сўзингга-ё,
алла-ё, алла.

Алла айтсам ярашар,
алла-ё, алла,
Бўйингга гуллар чўлашар,
алла-ё, алла,
Бўйингга гуллар чўлашар,
алла-ё, алла,
Нелар кийсанг ярашар,
алла-ё, алла.

Дармонжоним дарласин,
алла-ё, алла,
Шунга давлат ўрнасин,
алла-ё, алла,
Шунга келган балолар,
алла-ё, алла,
Тоғу тошга урилсин,
алла-ё, алла.

Маълумки, оиланинг мустақамлигини уч таянч, ота, она ва фарзанд бирлиги таъминлайди. Шу боис болажон халқимиз азал-азалдан фарзандини кўз қорачигидай асраб-авайлайди, уни соғлом қилиб улғайтиради

ТАРБИЯНИНГ МАЪНАВИЙ ИЛДИЗИ

ва ҳар томонлама етук, билимли, баркамол бўлиб вояга етиши учун бор имкониятларини ишга солади. Бинобарин, сўзга чечан момоларимизнинг олқишлари, эркаламалари ва овуғмачоқ қўшиқларида ҳам, гўдакка кўз тегмасин дея исериқ тутатаётганда ижро этиладиган айтимларда ҳам, болага янги кўйлак кийгизаётганда, чақалоқнинг илк бор тирноғини олаётганда ёки боланинг соҳига биринчи марта қайчи ураётганда айтиладиган тилакларда ҳам кўнглинг гавҳари — болажонларимизнинг иқболига бўлган эзуғу истаклар ўз ифодасини топади. 1981 йили Қорақўл туманидаги Жиначи қишлоғида фольклор экспедициясида бўлган устоз фольклоршунос Маматқул Жўраев шу жойида яшовчи Мевагул Жумаевадан ёзиб олган куйидаги эркалама ҳам фикримиз датилидир:

Ҳой-ҳойлардан экан,
Ҳой беклардан экан,
Бешигининг қуббалари,
Богдаги гуллардан экан.

Ҳой-ҳойлаб келади,
Сувари лойлаб келади,
Шугинам оёқ чиқарса,
Балиқлари ўйнаб келади.

Манинг ўғлим адога,
Олма тушиди бадога (ариқчага),
Зар кокилли хушрўй қизлар,
Шу ўғлимга садога.

Ҳой-ҳойлаб келади,
Шу ўғлим ўйнаб келади,
Сочи сулув сўмбўл қизлар,
Ўғлимни таппаб келади.

Ҳой-ҳой, ҳойлар бўлсин,
Шугинамга тўйлар бўлсин,
Тўйингни одамлар есин,
Савоби шунга қолсин.

Ёш болаларни бешикдан олаётганда эса уни эркалаб, суйиб қуйидаги каби ажойиб қўшиқлар айтилганки, унинг ҳар бир мисрасида фарзандга



Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги 222-сонли қарори билан тасдиқланган «2010—2020 йилларга мўлжалланган номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастури» халқимизнинг асрий қадриятлари — тизими, яъни ўзликни ифода қи- шнинг оғзаки шакллари ва анъаналари, урф-одатлар, маросимлар ва расм-рўсуллар, томоша санъати, ҳунармандчилик анъаналари, табиат ва коинот ҳақидаги билимларни кенг қўламда ўрганиш, архивлаштириш ва тарғиб этишининг катта имкониятларини очди. Ҳозирги кунда халқимизнинг номоддий маданий меросини ўрганиш мақсадида илмий экспедициялар ташкил этилиши режалаштирилмоқда. Ана шундай экспедициялар давомида оилавий анъаналар, қадриятлар қатори болажонларимизни эркаловчи қўшиқлар, аллалар, болалар ўйинлари, эртак ва нақлларни ёзиб олиш ҳам кўзда тутилган.

чексиз меҳр-муҳаббат ўз ифодасини топади:

Тоғда кийикнинг боласи,
Суйиб баринг, жон холаси,
Катта келиннинг боласи,
Киштала, жоним, киштала.

Жийда ёғочдан бешиги,
Жилмайиб олсин момоси,
Тол ёғочидан бешиги,
Тойрилиб берсин момоси.

Юқоридаги каби қўшиқларга қулоқ тутар экансиз, халқ оғзаки ижоди ижрочилигида профессионализмга мойиллик киши ҳаётининг болалик давриданоқ табиий равишда шаклланиб келганини кузатиш мумкин. Бугунги кун фольклор ижрочилигининг билими бадийи адабиётдан ташқари, инсон руҳиятини ўрғанадиган бир қатор ижтимоий фанлар билан ҳам муштараклигини аниглаш қийин эмас. Хусусан, лапар қўшиқларида куйилган келинадиган севги муҳаббат, садоқат, вафодорлик тушунчалари ёки ўланларга хос бадиҳагўйлик, ҳаё-и-бо мавзусининг устуворлиги ҳар қандай кишини фалсафий мушоҳада қилишга ундайди. Халқимизнинг миллий ўзлиги тимсолига айланган “Алпомиш”, “Гўрўғли”, “Қунтуғмиш” сингари буюк дostonларни куйлаган бахшилар фаолиятини кузатар экансиз, уларнинг нафақат дoston сўзларини ёддан билиши, балки тингловчилар аудиториясининг руҳиятини ҳам тегаранг аниглашга гувоҳ бўласиз. Моҳир бахши дoston бошлашдан аввал даврани, тингловчиларнинг ёшини, руҳиятини кузатади. Шунга қараб, аудитория муҳитидан келиб чиқиб, ўз бисотидан мос дostonни танлайди. Шунинг учун ҳам халқ дostonлари мамлакатимизнинг барча ҳудудларида минг йиллар мобайнида бахшилар тилидан тушмай, маънавиятимиз ривожига хизмат қилиб келган.

Қадимдан билгич боболар ва чечан момоларимиз томонидан ижро этилиб, оғиздан-оғизга ўтиб, бадийи сайқалланиб, бойиб келаётган халқимизнинг номоддий маданий меросини ташкил қилувчи миллий фольклорнинг гўзал жанрлари — алла, эртак ва масаллар, табиийки, ҳар кун, ҳар бир хонадон кичкинтойининг қулоғига қуйилади. Масалан, 3—5 ёшдаги болалар учун ҳайвонот дунёси — куён, бўри, айик, от, хўро, каби жониворлар билан боглиқ эртак қаҳрамонларининг ҳаёти қизиқарли. 6—7 ёшли тингловчиларга яхшилик ва ёвузлик, мардлик ва номардлик ҳақидаги, 8—10 ёшдаги болаларга эса коинот ва осмон жисмлари билан боглиқ афсоналар, ёруғлик ва зулмат қиссалари, эпосея — куйланадиган эпос шаклидаги дoston, эртак ва қиссаларни тавсия қилиш мумкин.

Хуллас, халқимиз бадийи тафаккурининг дурдоналари ҳисобланган фольклор асарлари ёш авлодининг маънавий камолотида муҳим аҳамият касб этувчи боқий қадриятлар силсиласи саналади. Чунки цивилизация, юксак технологиялар тараққий этгани сайин миллий ўзлик ва менталитет бешиги ҳисобланган фольклорга эҳтиёж ҳам ортиб, кучайиб бораверади.

Шаҳодатбону ИМОМНАЗАРОВА,
ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти
кичик илмий ходими

ДЎППИ ТИКДИМ ИПАКЛАРИ ТИЛЛОДАН...

Жонсиз нарсаларнинг ҳам энергияси бўлиши мумкин деб ўйлайсизми? Ҳаракатдан холи предметлар ўз кучи билан инсонлар ва ҳаётга таъсир этиши ҳақида эшитганмисиз? Бунини шакл ва нақшлар, санъат асарлари мисолида ҳам билиш мумкин. Айтишларича, минг йиллик тарихга эга дўппиларда акс эттирилган шакл ва миниатюралар инсон ҳаётига ўз таъсирини ўтказар экан. Дўппини ким, қандай ният ва кайфиятда тикканга қараб, унинг эгаси хушнуд ё гамсин кун кечираркан. Дўппидўз кашталарни хурсанд ва кўтаринки кайфиятда, эзгу орзу ва ниятларини қўшиб тикса, дўппи кийган инсон ҳам қувониб юрар экан.

— Халқимизда бошига бахт қўши қўнган инсон фаровон ҳаёт кечиради деган гап бор, — дейди Республика дизайн коллежининг миллий, этнографик ва бадийи либослар дизайнери таълим йўналиши ўқитувчиси Арофат Зуфарова. — Шу сабабли миллий дўппиларимизнинг илк намуналарида куш тасвири тўқилиб, ўқувчиларга дўппичилик сабоқларини бераётиб, факатгина безагига эътибор қаратмасдан, кашталардаги ҳар бир шакл ва нақшга маъно бағишлаш, дўппи тикишга ижодкорона — ашишни тайинлайман. Чунки дўппи бу — бошнинг «тожи». У инсон акли, эҳд-заковатининг гумбазидир. Ушбу митти ва энгил бош кийимида инсон соғлиги ҳимояси, миллий қадриятлар намунаси ҳамда ўзбек халқининг ор-номуси, дину дини ёнати белгилари мужассам. Шунинг учун шоғирдларимга дўппи тикиш учун фақат чеварлик сабоқлари етарли эмаслиги, тарихий, этнографик манбаларни ўрганиб, бадийи, ижодий ёндаш олиш зарурлигини алоҳида таъкидлайман.

Севимли шоиримиз Эркин Воҳидовнинг «Қайга борсам бошда дўппим, гоз юрарман гердайиб...» деган чапани сатрларида миллий бош кийимимиз бўлган дўппининг ўзбек ўғлини учун қанчалар катта қадр-қиммат ағалиги тасвирланганки, бу кишида фахр-ифтихор уйғотган ва беҳиётёр халқинингдан боқий анъаналар бира-бири ўтади. Қадимда бировнинг дўпписини бошидан тушириб юборган инсон, унга нисбатан ҳурматсизлик қилган ҳисобланган. Ота-боларимиз дўппини эркак киши-

нинг ор-номуси, ғурури, орияти рамзи деб билишган. Шу сабабли аждодларимиз белидаги пичоғи, қўлидаги қамчиси ва бошидаги дўпписини ҳеч нарсасга алишмаган.

— Дўппидаги тўртта гул инсоннинг саломатлигини тўрт томондан ҳимоя қилиш рамзи экани ҳақида ўқигандим, — дейди коллежининг миллий, этнографик ва бадийи либослар дизайнери йўналиши 3-босқич ўқувчиси Нозима Одилова. — Ҳошиядаги 16та гул эса, катта ва аҳил оилага эга бўлиш, деган тилакни ифодалаган. Ушбу таърифларни ўқиб, доғишманд халқимизнинг яхши ниятли эл эканлиги ҳатто меҳнати, яратган буюмларида ҳам акс этганини аниглайман. Битирув-малакавий ишим учун тайёрлаётган «Осиё либослари» коллекциясида ушбу қадриятларни ифода этишга, ҳар бир уснуд ва русумни маъно ва моҳиятга таяниб тайёрлашга ҳаракат қилаялман.

Юртимизда дўппидўзлик санъатининг Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Бухоро, Хоразм ва Қорақалпоғистонга оид олти тасофий тури шаклланиган. Табиий, жўрофий шароити турлича бўлган ҳудудларда дўппилар ўзининг шакли, нақши, рамзи белгилари билан бир-биридан фарқ қилган.

Қадимда мусофирнинг кийган дўпписига қараб, унинг қардердан эканлигини билиб олишган. Минг йиллик тарихий йўлни боқий ўтган дўппилар дастлаб Урта Осиё халқлари орасида, XIII асрдан бошлаб эса бошқа халқларда расм бўлган. Дастлаб конуссимон шаклдаги кенг гардишли дўппилар, кейинчалик эса учи

қуббали, ярим шарсимон, юмалоқ ва тўрт қиррали кўриниш касб этган.


— Яқинда Амстердам шаҳрида бўлиб ўтадиган ёш дизайнерлар танловига Ўзбекистон Бадийи академияси томонидан жалб этилди, — дейди 3-босқич ўқувчиси Зиёда Ҳакимова. — Бувиларимиз тиккан ва бугунга келиб турлари унутилиб бораётган Тошкентнинг «ироқи», «чоргул», «чамандагул», «тақдўзи», «оқлар», Шахрисабзнинг «ироқи», «гилам дўппи» деб аталувчи дўппилари, Чустнинг қора сатинга оқ ипак билан тикилган

Qadriyat

«қалампир» нусхаси, Денов, Ургут, Самарқанд ва бошқа жойларда тайёрланган дўппи нусхаларини пухта ўрганиб, уларга замонавийлиқни уйғунлаштирган ҳолда оммавий кийимга ўхшаб дўппилар тикиш устида ишлаялмиз. «Шарқ камалаги» деб номланган коллекциямиздан ўрин олган ўзбек миллий дўппиларини синтетик, кимёвий моддаларсиз яратилган, ипак ва пахтадан тайёрланган шойи, адрас, бўз матоларидан фойдаланиб тиклялмиз. Қолаверса, хорижликларни миллий бош кийимимизга қизиқтириш мақсадида дўппи шаклидаги қизлар соҳига тақадиган аксессуарлар(митти дўппичалар) ҳам тайёрлялмиз. Миллийлик ва замонавийлик уйғунлашган ушбу ижодий-амалий ишимиз давомида чеварлик барибарида санъаткорлик қобилиятимиз ҳам шаклланиб бораёпти.

Ўзбек миллий ҳунарлари борки, ҳар бири инсондан ижодкорликни, яратувчанликни ҳамда илмни талаб қилади. Нововой ўз ижодини седианли наонларда ифодаласа, нақош хис-туйғуларини ёғоч буюмларда мужассам этади. Шу жумладан, дўппидўзликда ҳам чеварнинг ақлий саҳияти, истеъдоди бежирим, нақшикор дўппиларда намоён бўлади.

— Ўқув муассасамиздаги бири-бирдан иқтидорли, билимли ўқувчиларни мунтазам тарзда рағбатлантириб, маҳаллий ва



халқаро кўрик-танловларга жалб этиб келялмиз, — дейди коллеж директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Жаҳонгир Нигматов. — «Ишбилармон ўқувчи», «Менинг бизнес гоям», «Ёш тадбиркор — юртта мададкор», «Зулфияхоним қизлари», «Тасвирий санъат ҳафаси» каби республика кўрик-танловларида юқори ўринларни эгаллаган ўқувчиларимиз халқаро миқёсдаги танловларда ҳам фахрли ўринларга сазовор бўлишмоқда. Айниқса, ўзбек миллий бош кийими ҳисобланган дўппичиликнинг замонавий, ёшлар мактаби шаклланиган, демак хато бўлмайди. Истеъдодли, чевар қизларимиз миллийликни сақлаб қолган ҳолда янги, замонавий дизайндаги дўппиларни яратётганлари ҳали қўплаб ютуқларни олиб келишига ишонамиз.

Бамисоли ўтовга ўхшаб яратилган, ўзи думалоқ ё тўртбурчак-у, бироқ буклаганда учбурчак, ихчам шаклга келадиган, чўнтакка бемалол сигадиган миллий бош кийимимиз — дўппилар асрлар оша келмоқда. Қайси мавсум, қандай базм бўлмасин, бошга ярашиб турадиган дўппиларимиз миллийлигимиз рамзи сифатида ҳамон қадр-эъзозда. Келажак авлодлар учун ҳам аслича асраб қолиш эса сизу биз-тановларда юқори ўринларни эгаллаган ўқувчиларимиз халқаро миқёсдаги танловларда ҳам фахрли ўринларга сазовор бўлишмоқда. Айниқса, ўзбек миллий бош кийими ҳисобланган дўппичиликнинг замонавий, ёшлар мактаби шаклланиган, демак хато бўлмайди. Истеъдодли, чевар қизларимиз миллийликни сақлаб қолган ҳолда янги, замонавий дизайндаги дўппиларни яратётганлари ҳали қўплаб ютуқларни олиб келишига ишонамиз.

Ниятимиз — бошлардан дўппи тушмасин ва ҳар бир чевар хонадонда ушбу сатрлар доимо хиргойи бўлсин!

Маърифат ТЕМУРЗОДА,
«Ma'rifat» муҳбири

КЕТМОНЧОПТИ

Ўзоқдан эски кўрғоннинг мустақам деворларини еслатувчи Кетмончопти тоғининг чўққиси Сурхон воҳасида энг баланд чўққилардан саналади. Кўрғон бўлганда ҳам, салобатли ва буюк кўрғон. Жануби-ғарбда Дарбанддарё, шимоли-шарқда Хўжа Ғурурта тоғи орасида 23 километрга қўзилган деворсимон, ҳар жойида гўё соқчилар минорасидек туртиб чиққан алоҳида чўққилар, худди усталар қўли билан силлиқлангандек тил қонлар қуршовидаги бу тоғ, чиндан ҳам, маҳаббатли. Шарқда Олчосой, шимолда Қайроқсой, жанубда Хонгаронсой, қўплаб жилғалар, буюқлар суви ундан бошланади. Кетмончопти остидан катта ер ости дарёси оқади, деган фикрда жон бор. Сабаби, Дарбанд дарасидаги Хўжамайхона бўлогидан бир дарё сув чиқади. Авлод қишлоғида ҳам тоққа ташлаб кетган қўш тағидан Бойсун шаҳрини тоза ичимлик суви билан таъминлаб турган Бошбулоқ суви чимқок. Бу буюқлар суви Кетмончопти бағридаги дарёдан чиқиб шубҳасиз.

«Алпомиш» дostonида шундай мисраларни ўқиймиз: «Шул ўл минг уйли Бойсун—Кўнғирот элнинг ҳаммаси бой эди... Бир ёғи Қалмоққа етди, кети хали ҳам Кўққамиш қўлидан чи-

киб, адо бўлган эмас. Ана шунда олдидаги бойлар Ойна қўлига етиб, қўлни ёқалаб қўниб ётир». Дostonда тасвирланган Кўққамиш қўли Кофрун ва Бандихон ўртасидаги дарада бўлиб, Кетмончопти тоғидан бошланадиган Хонгаронсой сувидан шимиб турган. Дostonда Ойна қўли кўп тилаб олинади. Ана шу ойна номи билан аталувчи қўл Кетмончопти тоғининг шарқи-шимолидаги Санжар тоғида ҳозир ҳам бор.

Илмий назарияларга кўра, тоғлар Ер шаридаги геотектоник ҳаракатлар натижасида вуждга келади. Ер юзидан тоғлар пайдо бўлиб туради, емирилади, йўқ бўлади, яна қайтадан янги тоғлар вуждга келади. Аммо бу жараён бир неча миллион йиллар мобайнида содир бўлади. Урта Осиёдаги тоғлар, жумладан, Кетмончопти хали ёш, ўсаётган тоғ ҳисобланади. Кетмончопти тоғининг энг баланд чўққиси 3168 метр. Агар солиштирадиган бўлсак, тоғнинг жанубий ёнбағрида жойлашган Бойсун шаҳри ден-

гиз сатҳидан 1200 метр баландликда, тоғ этағидаги Авлод қишлоғи 2200 метр баландликда. Демак, тоғ этағидаги қишлоқдан ҳам қарийб 1000 метр баланд.

Кетмончопти тоғига борадиган энг яқин йўл Тўда қишлоғидан ўтади. Қишлоқ шундоққина тоғ этағида жойлашган. Арча-зорлар қишлоққача етиб келган. Қишлоқ тоғдаги

буюқлардан ҳосил бўлган сойдан сув ичади. Қишлоқ оралаб Кетмончоптига қилган сафарларимнинг бирида кекса чўпон билан сўхбатлашдим. Заранг тағининг бир учини ерга, иккинчи учини қўлтиғига тираб суяниб турган чўпон бобо Кетмончопти ҳақида шундай дейди:

— Бутун умрим шул тоғ этағида ўтди. Тоғ чоғи энг гўзал манзара ҳам шул тоғларда. Аслида, бул тоғ оддий тошлар эмас, туганмас бойлик, халқ учун ризқ-рўз. Қўнчиқардан офтоб кўтарилганда унинг нурлари тоғ чўққиларига тушади... Ана шунда ҳақиқий гўзаллик намоён бўлади.

Очил ТОШКУЛОВ,
журналист

Беморга сўз ёқмас, деган нақл бор. Ортиқча гапириш ҳам уни чарчатди. Касаллик сабаб инжиқ бўлиб қолган одам кўнглини кўтариш касалликка шифо топишдек гап. Шифокорнинг беморни соғайишга ишонтира олиши энг катта ютуқ. Шу боис тиббий таълим муассасаларида назария ва амалиёт уйғун ҳолда ташкил қилинади. Талабалар амалиёт жараёнида бемор билан муомала, мулоқотда бўлиш кўникмасини эгаллаб, тажриба тўплаб боришади. Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиали талабаларининг бу йилги амалиёти ўзгача тарзда кечди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳамкорликдаги дастури асосида ташкил этилган "Аҳолининг сил ва бошқа ўпка касалликлари ҳақидаги билимларини ошириш" мавзусида жамоатчи кўнгилчиларни тайёрлаш ўқув курсида тўртинчи, бешинчи ва олтинчи курснинг 120 нафар талабаси ўқитилиб, Кетайли, Муйноқ, Шуманай, Қораўзақ ва Нукус туманларига юборилди. Талабалар сил, бронхит астма ва ўпканинг сурункали обструктив касаллиги бўйича аҳолига тушунтириш ишларини олиб боришди. Касаллик белгилари кузатиладиганда қишлоқ врачлик пунктига бориб, кўриқдан ўтиш кераклиги тўғрисида маслаҳатлар беришди.

— Баъзи одамлар касалтини яширади, — дейди Муйноқ туманига бириктирилган талаба Жаҳонгир Серекеев. — Айниқса, сил касаллигига чалинганларда бу ҳолат кўпроқ кузатилади. Уларнинг назарида агар бошқалар унинг касал эканини билса, ўзини олиб қочадиган ёки йиғилларда бирга ўтирмайдигандек туюлади. Элда «Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади» деган гап бор. Касалликни яшириш, аввало, беморга, қолаверса, атрофдагиларга зарарли. Асосий мақсадимиз одамларга ўз вақтида даволаниш зарурлигини тушунтиришдан иборат.

— Сил бу — одам йўталганда, аксирганда, гапирганда ҳаво орқали тарқаладиган юқумли касаллик. Лекин биз бир ҳаводан нафас оламиз. Шундай экан, битта бемор атрофдагиларнинг ҳаммасига касаллик юқтириши мумкинми? Кўпчилик бизга шундай савол беради, — дейди Кетайли тумани «Обод» қишлоқ врачлик пунктига жалб этилган Нартай Жолдибоев. — Тўғри, ўпка сили билан касалланган, ammo даволанмаётган одам бактерияларни тарқатиш орқали йилига 10—12 нафаргача одамга касалликни юқтиради, лекин ҳаммага эмас. Одам организмида иммунитет кучли бўлса, сил касаллигининг ривожланишига йўл қўймайди. Иммунитети паст инсонлар эса доим хавф остида.

ХАРАКАТ — ДАРДГА ДАВО

Ҳаёт ҳаракатни талаб қилади.

Аристотель

Оқмай қолган сув айнийди, темир ишлатилмаса занг босади, ҳаракатланмаган одам касал бўлади. Шу ўринда бир ривоят эсга тушади:

Табиб келганида беморнинг аҳволи оғир эди. Қизи унинг тепасида пашша кўриб ўтирарди. Табиб дераза ёнидаги курсига ўтириб, вазиятни бироз кузатди ва қизга чой дамбаб келишни буюрди. У кетганида пашшалар беморнинг боши атрофида айланиб, юзига қўнди. Жаҳли чиққан бемор елпигични олиб, ўзини ҳимоя қила бошлади. Қули борган сари тез-тез ҳаракатланиб, танаси ҳам ҳаракатга тушди. Аста кўзлари очилиб, қорни гулдираб, оч қолганини сезд. Икки кундан буюн туз татимаган беморнинг қаддини ростлаб чой ичиши қизни ҳайрон қолдирди ва табибдан бунинг сирини сўради.

— Унга қандай дори бердингиз?

ЭЛ СОҒЛИГИ — ЮРТ БОЙЛИГИ



— Ҳаракатланиш имконини, — деди табиб кулиб...

Ҳаракат — тириклик белгиси, ривожланиш ва гўзаллик омили. "Жисмоний машқлар ҳар қандай дорининг ўрнини босиши мумкин, ammo ҳеч қандай дори унинг ўрнини босолмайди". Спорт организмда физиологик тизимлар фаолиятини яхшилайди, касалликка қарши курашишнинг бирдан-бир оқилона йўли ҳисобланади. Шунинг учун болаликдан спортга ошно бўлиш инсоннинг баркамол вояга етишини таъминлайди.

Кўнгилчилар ташкил этган учрашувда айнан шу мавзу атрофида фикр юритилди.

ДУШМАН ИЧИМИЗДА

Ҳар қандай ютуқ — ўзимизни ўзимиз энгшидан бошланади.

Л.ЛЕОНОВ

Режанинг бузилиши қутилмаган вазиятларни келтириб чиқаради. Агар бир тун одатлагидан кам ухласангиз, кун давомида қарахт бўлиб юрасиз. Уйқунинг бузилиши, вақтида овқатланмаслик, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш, қизиб туриб муздек сув ичиш, уст-бош ва кўлларни тоза сақламаслик, асабийлашиш буларнинг ҳаммаси касалликка замин ҳозирлайди. Одам ўзини-ўзи бўйсундира олса, ҳаётий қоидаларга амал қилса, ҳар қандай касалликка қарши курашишга қодир. Масалан, чекишни ташлашда иродали бўлиш талаб этилади.

Талабалар тамакининг зарарли оқибатлари ҳақида семинар ва тренинглار ўтказишди. Иштирокчиларда яхши таассурот қолдириш ва кўзланган мақсадга эришиш учун турли хил расм, видеороликлардан фойдаланишди. Кўпчилик ҳолларда тамаки чекиш сурункали бронхит касаллигини келтириб чиқариши, шунингдек, сил касаллигига чалинган 100 кишидан 95 нафари аввал тамаки чек-

канлиги аниқлангани тушунтирилгандан кейин айримлар чекишни ташлашга аҳд қилишди.

МЕНДЕК КАЙҒУРМАЙДИ(МИ)?

— Танаси бошқа дард билмас. Сиз-

2014-yil — Sog'lom bola yili

морлар аниқланиб, уларга ўз аҳволини мустақил равишда аниқлаб туриш ва ўзгариш сезилса, шифокорга мурожаат қилиши учун пикфлоуметр тарқатилди. Талабалар уни қандай ишлатиш кераклиги тўғрисида хонадонларга бориб тушунтиришди ва аҳолининг яшаш ҳолатини ҳам баҳолаб, қўшимча маслаҳатлар беришди.

— Айримлар ёз кунлари деразаларни ёпиб, уйни қоп-қоронғи қилиб қўйишади, — дейди Қораўзақ туманига бириктирилган Алишер Нуржитов. — Бемор киши бор жойда бундай қилмаслик керак. Чунки сил бактериялари фақат қуёш нурида ўлади. Агар хона ним қоронғи ва салқин бўлса, касаллик ривожланишига имкон яратилади.

СОҒЛОМ МУХИТ ҚАНДАЙ ЯРАТИЛАДИ?

Мен билган ёлғиз гўзаллик бу — саломатлик.

Генрих ГЕЙНЕ

Кўнгилчилар ўз хоҳиши ила одамларга ёрдам кўрсатиб, қизиқиш ва интилишларини юзага чиқаришади. Улар дунёқараш, фикри бир-бирига монанд бўлган инсонлар билан учрашиб, бир муаммо ёки масала юзасидан тушунтириш ишларини олиб боришади, ҳар қандай муаммони биргаликда ечишга даъват этишади. Асосийси, улар инсонларни бирлаштириб, ўзаро ишонч, меҳр-муҳаббат туйғуларини мустаҳкамлайди.

Мактабларда бир хил ёшдаги болалар ўқитилишининг сабаби улар бир-бирини яхши тушунади. Агарда ҳар хил ёшдаги одамларга бир мавзу тушунтирилса, табиийки, ҳар хил қабул қилинади. Шунинг учун кўнгилчилар болалар, ёшлар ва қариялар билан алоҳида-алоҳида кичик учрашувлар ташкил этиб, иштирокчиларнинг саволларига жавоб беришди.

— Биз йигирма одамга касаллик ҳақида тушунтирган бўлсак, улар эртага яна ўн-ўн беш кишига бизнинг айтганларимизни етказишади, — дейди талаба Нуржаҳон Мамбетқаримова. — Натижада яна шунча одам касаллик ва ундан қандай ҳимояланиш ва даволаниш кераклиги бора-сида маълумотга эга бўлади. Бир-биримизга ўргатиш, бир-биримизни оғохлантириш орқали саломатлик сирларидан бобабар биламиз.

Унутмаслик керакки, дунё бир бутун, биз унинг бир бўлагимиз. Бизга келган фалокат дунёга келган фалокатдир. Оддий мисол, агар касал бўлсак, фақат ўзимиз оғирбгина қолмасдан яқинларимизнинг ҳам тинчлиги оламиз. Уларга ҳам касалликни юқтиришимиз мумкин ёки қийналагганимизни кўриб, улар ҳам сиқилиши табиий. Агар соғлом бўлиб, кўтаринки кайфиятда юрсак, бу атрофимиздагиларга ҳам яхши таъсир қўрсатади. Саломатлик, энг аввало, ўзимиз, иккинчидан, уйимиз ва буюмларимизни озода сақлашдан, учинчидан, яшаётган маҳалла ёки қишлоқ ободончилиги учун жон куйдиришдан бошланади. Қаровисиз қолган жойда касаллик кўним топади ва ривожланади. Касалликка ўрин бермайлик! Бунинг учун тозалик саломатлик онаси эканини ҳар доим эсда сақласак, кифоя. Кўнгилчиларнинг тарғибот ишларида қатнашган иштирокчиларнинг ҳам хулосаси шундай бўлди.

Несибели МАМБЕТИРЗАЕВА,
"Ma'rifat" мухбири

2014-yil 29-noyabr, № 96 (8745)

ОБИНЕЪМАТ — ХАВФ ОСТИДА

Биз яшаётган сайёра гўзал, мўъжизаларга бой. Сахий табиат ер юзидаги миллионлаб, миллиардлаб организмларга ҳаёт туҳфа этаркан, уларнинг барчаси муайян биологик вазифани бажаришини назорат қилади. Бу борада она табиатнинг энг катта ёрдамчиси, тириклик асоси — сув муҳим аҳамият касб этади.

Бутун ҳайвонот ва наботот оламнинг, тирик мажҳудотларнинг бархатлиги сувнинг шарофатидан. Шу боис сувсиз ҳаётни тасаввур этолмаймиз.

Аммо сўнгги йилларда сайёрамизнинг турли ҳудудларида сув танқислиги кузатилаётгани, чуқур сув миқдорининг камайиб бораётгани хусусида эшитиб, нақадар улкан фожиа қаршида эканимизни ҳис қилармиз. Эҳтимол, ҳозир ер юзида яшаётган 7 млрд аҳолининг 1,2 млрд и тоза ичимлик сувиغا муҳтожлиги, 2,3 млрд киши эса санитария талаблариға мутлақо жавоб бермайдиган сувдан фойдаланишға мажбурлиги ҳақида билиб, Ер юзининг деярли 3/4 қисми, яъни, 71 фоизи сув билан қопланган бўлса, шунда ҳам сув етишмаслиги кузатилаётгани, деб ўйларсиз? Лекин унутмайликки, мавжуд

сув захирасининг атиги 2 фоизи истеъмолға ярқли.

Табиатни сахий дедик. Аммо у ҳам ҳурматға ҳурмат, шафқатға шафқат билан жавоб беришиға далиллар кўп. Бундан бир неча йиллар муқаддам тенгсиз гўзалликка макон бўлган, сонаноксиз сув мавжудотларини бағрида жамлаган денгизлар, дарёлар, кўллар бугун гўё аянчли ниқоб тақабтган ўхшайди. Дунёнинг турли минтақалари, хусусан, Жанубий Осиё, Шимолий Африка, Яқин Шарқ мамлакатларида сув танқислиги одатий ҳол. Агар шу тарзда давом этса, 2025 йилға келиб ҳар 10 одамдан 6 нафари ёки 5,5 млрд киши тоза ичимлик сувиға муҳтож бўлиши мутахассислар томонидан баъорат қилинмоқда.

Доно халқимизда "Ариқдан сув ўзимаса, саватдан нон аримас",



"Эл ҳаёти ер билан, ер ҳаёти сув билан", "Сув таралар тупроққа, оро берар япроққа" каби сувни асрашға ундовчи, унинг ҳар қатрасида тирикликка ва покликка бўлган интилишини ифода этувчи маколлар, ҳикматли сўзлар талайгина. Неча асрлар мобайнида яратилган бу турмаёно сўзлар бугунги кунда она сайёрамизни асрашди уринишда шiorларға айланиб бормоқда.

Азизлар, инсоният тақдири, авлодлар келажиги, бутун Ер сайёрасининг қисмати бугун бизнинг қўлимизда. Шундай экан, тирикликнинг нишониси, жамки мўъжизаларнинг бебаҳоси — сувни асрайлик, қадрлайлик. Зеро, эрта учун қайғуриш бугундан бошланажак!

Умрхон ПУЛАТОВА
Зарбдор тумани

Қадимдан пир у бадавлат кекса бобо-бувиларимиз кечки намозшом вақти, яъни кун ботгандан кейин кўчада юриш бехосиятлигини бот-бот такрорлаб, кулгошимизға кўроғишдай қўйиб келган. Айниқса, халқимиз қизларнинг тарбиясиға жиддий қараган. Бокира ниҳолни парваришлаб, бегона кўзлардан сақлаб, омонатни ўз эгасиға топшириш ота-онанинг ҳам қарзи, ҳам фарзи. Шу ўринда ўз-ўзидан савол туғилади. Бўйида ана шундай "қарз"и турган айрим ота-оналар қизи-нинг ярим кечаси чиқиб кетиб, эрталаб кириб келишиға қандай қарқарин? Наҳотки, нурийдидасининг тунни қаерда ўтказгани уларни қизиқтирмаса? Шу бепарволик эртаға уларға қимматта тушиши мумкинлигини ўйлаб қўришмаса?

ДИСКОТЕКА... ЯХШИМИ Ё ЁМОН

Маълум бўлишича, диско клубларға кириш қизлар учун текин, йигитлар учун махсус тариф — белгиланган нархда. Клублар ўзининг иш фаолиятини тунги соат ўн иккидан бошлаб, тонги бешға қадар давом эттиради.

Менимча, ҳеч қайси бир инсон фарзандининг тақдириға бепарқ қарамаса керак. Нега унда ёшлар тунги клубларға боришади?

Ҳилола, 20 ёш, талаба: — Ҳар дам олиш кунни ёки ҳафтада 2-3 марта дискотекаға бораман. Ота-онамға эса дугона-микида ётиб қоламман, дейман. У ерга борсам, дўстлар ортираман. Энг асосийси, мазаза қилиб рақс майдончасида ўйнаб, барча ғам-ташвишларимни тўқаман.

Одил, 25 ёш: — Тунги клубларға ҳеч қачон бормаганман. Фақатгина киноларда кўриб, хулоса чиқариб олганман. Йигит-қизлар бир-бириға суйкалиб беҳаёларча рақс тушиши нафсониятнинг тағди. Иккинчидан, менга баланд мусиқа ёқмайди. Эшитсам, бошим оғрийди.

Ҳар хил ёшдаги ва касбдаги инсонларнинг дискотека борасидаги фикри мени анча ўйлатириб қўйди. Шифокорларнинг таъкидлашича,

инсон кун давомида сарфланган энергиясини уйку пайтида тиклаб, мияси дам олади. Айниқса, бу жараён учун суткада 8 соатлик уйку керак бўлади. Акс ҳолда, инсоннинг мияси тўхтовсиз ишлаб, стресс, депрессия, ишға лаёқатсизлик ва бир қанча психологик касалликларға чалинар экан. Яна ҳаддан зиёд баланд мусиқа ва товушлар инсоннинг руҳияти, эшитиш қобилиятиға салбий таъсир кўрсатади.

Мухтасар қилганда, у ерга борадиган ёшларнинг аксариятини эътиборсизлик, бепарволик оқибатининг қурбонлари ташкил этса керак. Негаки, улар ўзларини чалғитиш учун боради. Агар уларни атрофдагилари, яқинлари, ота-онаси, дўстлари ёлғиз қолдиришмаса, фикри билан қизиқиб, уларни эшита олсалар, ўйлайманки, ҳеч қандай тунги клублару "диско дўст"ларға ҳожат қолмайди.

Сабоҳат ИСМОИЛОВА

ЭНГ ЗЎР ТУҲФА — БИЛИМ

"Ўқитувчи мўтабар зотдир". Ушбу сўзларни эшитганимда ё ўқиганимда азиз ва қадрли устозларимни, айниқса, биринчи ўқитувчим Пискент туманидаги 1-умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси Холбунисо Аҳмаджоновани эслайман. Кўз ўнгимда бироз қаттиққўл ва талабчан, лекин меҳрибон, жонқуяр, барча ўқувчиларини ўз фарзандидек қўрғувчи, самимий инсон гавдаланади. Шу инсон сабабли мен ўқиш-ёзишни ўргандим, китобға, адабиётға муҳаббатимни ўйгонди. Ҳар йили 1 октябр ёқинлашган, хотирамда ўчмас из қолдирган бир воқеа ёдимға тушади.

...Уша вақтлари бошланғич синфда ўқирдим. Синфдошларимиз билан ўқитувчи ва мураббийлар кунни байрамиға қизгин тайёргарлик кўргандик. Мақсадимиз — Холбунисо опани хурсанд қилиш. Ниҳоят, биз кутган кун ҳам келди. У синфға кириши ҳамон ҳаммамиз "Табриклаймиз!" дея қарсақ чалдик. Устознинг қўллари гулларға, ўқувчилари ясаган табрикномаларға тўлди. Байрамға бағишланган шеърлар ўқилди. Ўқитувчимиз бундан жуда севинди, ҳаммамизға раҳмат айтиб, яхши тилаклар билдирди. Шундан сўнг уйға берилган топшириқни сўради. Мен ҳайрон бўлдим: "Бир йилда бир маротаба бўладиган байрамда ҳам дарсни ўйлади-лар-а". Бутун синф ҳайрон, бир-бириға қарарди. Ҳатто доим дарсда фаол ўқувчилар ҳам жим. Холбунисо опа бунинг сабабини сўраганида бир синфдошим: "Ахир, бугун байрам-ку!" деб юборди. Чиндан ҳам ҳаммамнинг хаёли байрамда бўлибми, ҳеч қим дарс тайёрлашни ўйламаганди. Устоз синфға бир-бир разм солди-да, бироз тушукун қайфиятда янги дарсни бошлади. Эртасиға айбони ювиш мақсадида уй вазифаларини тўлиқ бажариб, барчамиз аёло ва яхши баҳо олдик. Холбунисо опа шу қадар шодландики, байрам кунги қувонч, бу бахтиёрлик олдидан ҳеч нарса эмасди. Ана ўшанда устоз учун қимматбахо туҳфа эмас, аксинча, шоғирдлари қамолтини кўриш, берган таълим-тарбиясини оқлашининг ўзи энг катта совға эканини тушундим. Касбига фидойи, мақтовия танбеҳида меҳри балқан инсонларни эъзозламай бўладими? Ўзим ҳам 1-Тошкент педагогика коллежига ўқишға киргангина, ўқитувчилик нақадар машаққатли ва масъулиятли касб эканини тушундим. Бу йўлни танлаш инсондан нечоғли куч-ирода ва бардод талаб этишини билдим.

Мадина ОҒАБЕКОВА

Албатта, ҳозирги ўзбек адабий тилининг ривожланишида маърифатпарвар Абдурауф Фитратнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Хусусан, "Тилимиз" мақоласида унинг тил тақдириға жонқуярлиги кўринади.

ТИЛИМИЗ ТАҚДИРИ

биз бераётган таълим ва тарбияға боғлиқ

Биргина "бил" ўзагидан 98 та сўз ясаб мумкинлигини ва туркий тилининг имконияти форс, араб тилларидан кам эмаслигини таъкидлаб, шундай дейди: "Араб, форс, рус, француз, немис тилларида қай бирининг сарф китобларини олиб қарасак, кўрамазми, бир сўзни ясамоқ учун бир қанча

ёзилгон, ундан сўнг шул қоидадан ташқари қолгон сўзлар деб тўрт-беш сўз кўрсатилган. Турк сўзларида эса бундай сўз топилмайду".

Дарҳақиқат, Абдурауф Фитрат айтганидек, диққат билан назар ташласак, тилимизнинг нақадар гўзаллигини, ўзига хослигини англаймиз. Мен ҳам она тили ва ада-

биёт дарсларида ўзбек тили тараққий этишида муносиб ҳисса қўшган луғв бобоқалонларимиз, ёзувчи ва шоирларимизнинг бу ҳақдаги фикрларидан намуналар келтириб, ўқувчиларнинг беҳато ёзиши, сўзларни тўғри талаффуз қилишиға катта эътибор бераман. Иншо, диктантларда хатоларини кўрсатиб, ўзларига тўғрилатаман, бир-бирининг хатоларини тузатишға ўргатаман.

Бу эса болаларнинг келгусида тил тақдири учун қайғурадиган инсон бўлиб улғайишида катта таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

Гулзода СОАТОВА,
Чилонзор туманидаги
202-мактаб ўқитувчиси

АДАБИЁТГА ҚИЗИҚТИРУВЧИ МАСКАН

Тошкент шаҳри Учтепа туманидаги 283-умумтаълим мактабида "Шеърят гулшани" адабий тўғариға бор. Адабиётға иштиёқманд ўқувчиларни ўз атрофиға бирлаштирган тўғарақ қатнашчилари кун сайин кўпайиб бораёттир. Тез-тез ёзувчи, шоирлар, ижодкорларнинг мазкур таълим даргоҳиға ташриф буюраётгани, қолаверса, мактабда яратилган кенг имконият самараси бу.

Ўқувчиларнинг шеърлари, бадиалари мунтазам равишда "Тонг юлдузи", "Гулхан", "Вазият", "Ватанпарвар" каби газета ва журналларда чоп этиб борилапти.

— Адабиёт инсон кўнглини поклайди, — дейди тўғарақ раҳбари Мухиба Ражабова. — Болаларнинг китобға эътибори сусайган бир даврда уларни адабиётға жалб этиш зарур. Интернетда турли жангари фильмлар кўриб, ўйинларға муккасидан кетиб вақт ўтказгандан кўра китобға ошно бўлиш муҳим аҳамиятға эга. Тўғарақ

қатнашчиларининг маҳорати тобора ошиб бормоқда.

Хусусан, ўқувчилар қатор кўрик-танловларда фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллашмоқда. Сарвинисо Фармонова "21 сентябрь — Тинчлик кунини" муносабати билан ўтказилган ишчиюллар танловида туманда фахрли 1-ўринға лойиқ қўрилди. Ирода Соқидова эса "Жаҳолатға қарши маърифат" кўрик-танловининг шеърят йўналишида шаҳар босқичида 2-ўринни эгаллади.

Сардор РАХМОНКУЛОВ

Келажак авлод тарбиясида устоз-мураббийлар фидойилигини сўз билан таърифлаб бериш мушкул. Уларнинг жонқуярлик билан берган сабоқлари бизға ҳар қадамда асқотиши бор гап.

ЭЗГУ ОРЗУЛАР САРИ

Устозлар таълими, бир-бирини қизиқарли дарслари меҳрини янада тоблагандек. Муаллимликка ҳавасини орттирган ҳуқуқшунослик фани ўқитувчиси, коллеж хотин-қизлар қўмитаси раиси Нодира Азимовадир. У билан дилдан суҳбат қилиш, ота-онамизға айтишға йиманган гапларимизни унга ишониш мумкин. Нодира опанинг дарслари бир-бирини такрорламайди. Ўзбекистон ва жаҳондаги энг сўнгги сиёсий ва қизиқарли янгиликларни шарҳлаш орқали дунёқарашимизни кенгайтиради. Устознинг эътиборлиги, самимий сўзлари дарсларға иштиёқ ўйғотади, меҳнат қилишға ундайди. Баъзида аёло баҳо ололмасак, ранжиганларимизни сезади-да, шундай дейди: "Баҳо ҳеч нарсани ҳал этмайди. Муҳими — дарсдан ўзини кетараки билимини олишинг. Келажакда саҳна бохлар билан эмас, ўзининг билимининг билан юқори марраларға етишининг даркор!"

— Ўқитувчи доим кечиримли, бағрикенг ва, албатта, сабрли бўлиши керак, — дейди устозимиз. — Таълим-тарбияда ҳар бир нарсатға алоҳида эътибор қаратиш керак. Ўқувчилар онгини фақат эзгу ва истиқболли мақсадлар билан бойитиш зарур. Ота-онам ўқитувчи бўлишган. Эҳтимол, шунинг учун шу касбни танлагандирман. Бундан роса хурсандман.

Айтиш жоизки, устозларнинг беназир ғамхўрлиги сабаб ҳар бир инсон ҳаётида ўз ўрнини топади. Мен ҳам уларнинг изидан мана шу касбни танлаганман. Албатта, бу танлов келажакда қилинажак ишларнинг, эзгу орзулар рўёбининг илк қдаמידир.

Арофат ЖАЛИЛОВА,
1-Тошкент педагогика коллежси ўқувчиси

Саҳифани Олимжон ЖУМАОБОВ тайёрлади.


Биринчи синфда ўқирдим. Синфдошим Лобарни фаоллиги ва аълочилиги учун синф сардори этиб тайинлашди. Ўқитувчимиз Эломон бўлишев Янги йил байрамадан кейин синф сардори бўлишимни айтди. Аммо байрамга яқин касал бўлиб қолдим. Оғриётган тишимни олдириганимдан икки кун ўтиб мазам бўлмай, ётиб қолдим. Онамнинг айтишича, ўша куни эрталаб кўзимни оча олмабман. Мени дарров шаҳар шифохонасига олиб боришибди. Муолажалардан сўнг ўзимга келган бўлсам-да, ўрнимдан турish-га ҳолим йўқ, бошим айланарди. Онам кўзида ёш, мендан ҳол-аҳвол сўраб нималардир деди... Мен эса ҳеч нарса эшитмасдим...

катталигида, наушник ёрдамида кулоққа тақиб юриладиган, кейинчалик янада ихчамроқ, кулоқ устига тақиладиган турларнинг ишлаб чиқарилишига тўртки берди.

Умуман олганда, XX аср охиригача компьютер технологиялари ёрдамида эшитиш мосламасининг турли моделлари яратилиб, кенг фойдалана бошланди.

Кар ва заиф эшитувчиларнинг овоз илгаш даражаси ҳар

3-dekabr — Xalqaro nogironlar kuni



КОХЛЕАР ИМПЛАНТАЦИЯСИ

эшитиш қобилияти тикланишига ёрдам беради(ми?)

Бир неча кундан кейин аста-секин ўрнимдан туриб, юра бошладим. Шифокорларнинг маслаҳати билан Тошкент тиббиёт академияси клиникасининг ЛОР бўлимида даволанишни давом эттирдим. Соғлигим тикланиб, аҳолим яшиланди, аммо эшитмаслик муаммоси менга азоб бера бошлади. Уйдагилар маслаҳатлашиб, Москвада даволатишди, барибир фойдаси бўлмади. Раҳматли Тиломурод бобом табибларга олиб борар, ундан ҳам бир наф чиқмасди.

Кунларнинг бирида ўқитувчим Эломон ака мактабга бормаётганим сабабини билиш учун уйимизга келиб, онамдан бўлиб ўтган воқеани эшитгач, ўқишга бораверсин, уни биринчи партага ўтказамиз, у билан ўзим алоҳида шуғулланаман деди. Мактабга бордим, аммо бундай ҳолатда ўқиш жуда оғир эди. Чунки ҳеч нарсани эшитмасдим, ёзувдан кўриб, лаб ҳаракатларидан тушуниб олишга кўникиш анча вақт талаб этарди. Кунларнинг бирида онамга кўшимиз Рихси опа ўгли Дилшоднинг Тошкентда ўқийгани, пойтахтда кар болалар учун махсус мактаб-интернат борлиги, унда барча шароитлар яратилганини айтди. Шундай қилиб, Тошкент шаҳридаги 102-заиф эшитувчи болалар махсус мактаб-интернатда 2-синфдан ўқий бошладим.

Мол шохидан Кохлеар имплантигача

XIX аср бошларида эшитиш мосламаси сифатида заиф эшитувчилар мол шохидан фойдаланишган. Аёллар учун мўлжалланган мосламалар эркакларникидан қийроли гуллар тасвири туширилгани билан фарқ қилган. Аср ўрталарида келиб фан ва технологиянинг ривожини металл буюмларга ишлов бериш ва пластмас-

са маҳсулотидан кенг фойдаланишга тўртки берди ва натижада эшитиш мосламалари ҳам такомиллашиб борди: уларнинг энг биринчи кўриниши катта ҳажмдаги карнай бўлиб, унига пластмасса шланг уланган. Мосламанинг бир томони гапириш, иккинчи томони кулоққа тикиб эшитиш учун мўлжалланган.

XIX асрнинг охиригача келиб электрон эшитиш мосламалари кашф этилди. Унинг иxtирочилари Александр Белл ва Томас Эдисон. Белл электроника ёрдамида микрофон карнайча ва батареядан фойдаланиб ўз телефони товушини баландлатишга эришган. 1886 йили Томас Эдисон карнайча — овоз узатувчи мосламани кашф этиб, овозни электрон сигналга айлантирган. Кейинчалик ушбу электрон сигналга мослама ёрдамида товушнинг сим орқали узокроққа етказилиши йўлга қўйилган. Бу иxtиролардан руҳланиб АКШ, Германия ва бошқа ривожланган мамлакатлар компаниялари эшитиш мосламаларини ишлаб чиқаришга бел боғлашди. Биринчи бўлиб 1898 йили «Dictograph Company» компанияси эшитиш мосламаларини ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйди.

АКШнинг Алабама штатилик Миллер Хатчинсон ўзининг «Akouphone» компанияси томонидан бундай мосламаларни ишлаб чиқариш учун патент олади. Мосламаларни кўплаб ишлаб чиқариш учун овоз чиқарадиган карнайча ва батареядан фойдаланилган. Ушбу эшитиш мосламаси ўша пайтлари «энг замонавий» дея таърифланган бўлса-да, биров кўпол ва катта ҳажмда эди. Фойдаланувчи уни қўлида кўтариб юришга мажбур бўлар, бундан ташқари, нархи ҳам қиммат эди.

1920 йилга келиб эшитиш мосламасининг овозини си-фатлироқ ва баландроқ қилиш имконияти яратилгани катта ютуқ сифатида эътироф этилган бўлса-да, аппарат ҳажмининг катталиги эътирозларга сабаб бўла бошлади. 1952 йили транзисторларнинг пайдо бўлиши билан эшитиш аппарати корпусини кичиклаштиришга эришилди. Бундай кенг имкониятлар мосламанинг аввалига тамаки кўтиси



хил бўлади. Масалан, эшитиш даражаси тахминан 20—30 фоиздан юқори, мослама ёрдамида биров бўлса ҳам ўзини ташқи муҳит билан боғлиқ ҳолда сезса, эшитиш аппаратидан фойдаланиш тавсия этилади. Аммо эшитиш даражаси ундан паст бўлса, мослама ёрдам бермаса қандай йўл тутилади?

XX асрда технологиянинг жадал ривожланиши кар ва заиф эшитувчилар учун ҳам кенг қўлайликлар яратмоқда. Эндликда умуман эшитмайдиганлар ҳам эшитиш бахтига муяссар бўлиши мумкин. Бунда уларга Кохлеар имплантацияси усули ёрдам беради. Кохлеар имплантацияси бу — жарроҳлик йўли билан эшитиш қобилиятини тиклаш имкониятидир.

Илк бор 1950 йили Кохлеар имплантацияси тажриба-синовдан ўтказилди. Шунини алоҳида айтиб ўтиш кераки, эшитиш мосламаси ва Кохлеар имплантацияси бир-бирдан фарқ қилади. Жарроҳлик амалиёти бошининг кулоққа яқин жойида ўтказилиб, терининг ички тарафида имплант (эшитиш мосламаси) ўрнатилади. Ўша пайтлари имплант кўпол кўринишда бўлиб, бемор ундан фақат лаборатория ичида фойдаланиши мумкин эди. Чунки, ички имплантнинг ташқи нутқ процессор симлари фақатгина лаборатория ичида бўлган.

Кохлеар имплантациясининг кейинги босқичдаги такомиллашуви 1957 йили Францияда муваффақиятли ўтказилган операциядан сўнг бошланди. Тизим бир каналли бўлиб фойдаланувчиларнинг товушини эшитишдан ташқари нутқни лабдан тушуниб олиши ҳам енгиллашган. 1962 йили У. Хаус ва Й.Урбан биринчилардан бўлиб Кохлеар имплантациясининг кўпканалли тизимини ишлаб чиқиб, синовдан ўтказишди. Бироқ у пайтлари тизимни ҳаётга татбиқ этиш учун технологияларнинг етар-

лича ривожланмагани гоёнинг тўлиғича амалга ошишига тўсқинлик қилган. Кўпканалли системани янада такомиллаштириш 80-йилларда Австралия, Австрия, Бельгия ва Францияда изчил давом эттирилди. Имплантлар саноати кашфиётчи профессор Греам Кларк бошчилигидаги олимлар 15 йиллик илмий изланишлардан сўнг 1982 йили Кохлеар имплантациясининг кўпканалли системасининг такомиллашган усулини яратишга эришди ва ундан ҳозиргача фойдаланиб келинмоқда. Сифат ва қўлайликлари эса йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда.

Яқин-яқингача жарроҳлик амалиёти фақатгина ривожланган мамлакатларда амалга оширилган эди. Қувонарлиси, эндликда бундай жарроҳлик амалиёти мамлакатимизда ҳам олиб боришмоқда. Пойтахтимиздаги Республика иxtисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида Кохлеар имплантацияси ўтказилиши учун барча шароитлар яратилган бўлиб, нафақат операция, балки унинг реабилитацияси ҳам йўлга қўйилган.

Амалиётни эртароқ ўтказган маъқул

Кар ва заиф эшитувчи инсонлар билан учрашганимда Кохлеар имплантацияси мавзуси кўтарилса, кимдир жарроҳлик амалиётини танқид қилади, бошқалар кўлаб-қувватлайди. Танқид қилувчилар операциядан кейин айрим тақиклар борлигини айтса, бошқалари бундай гап-сўзлар асоссиз, дейди. Сўнгги пайтлари ижтимоий тармоқларда ҳам Кохлеар имплантацияси кенг муҳокама қилиниб, ёзма ёки видеоролик кўринишида қарши чиқишлар бўлиб турибди.

Бундай салбий фикрлар асосли ёки асоссизлигини ўрганиш мақсадида ўзим

ўқиган мактаб-интернатга йўл олдим ва Кохлеар имплантацияси операциясини муваффақиятли ўтказган Жавоҳир исмли бола билан учрашдим. Ўша кунни Жавоҳирнинг ота-онаси ҳам шу ерда экан. Уларга нима мақсадда келганимни тушунтирдим.

— Ўғлим икки ёшида эшитмай қолди, — дейди Жавоҳирнинг отаси Жамшид ака. — Ҳозир 18 ёшда, унга имплант қўйдирганимизга 1 йил бўлди. Жарроҳлик амалиёти яхши ўтди, ҳеч қандай қийинчилик тугилмади.


Жавоҳирга саволлар беришда ҳеч қандай муаммага дуч келмадим, чунки имо-ишорати билан гаплашиш қўл келди. Имплант қўйишга нима сабаб бўлганини сўраганимда, ота-онам эшитишни жуда хоҳлагани учун маслаҳатлашиб операция қилдиришга қарор қилдик, дейди.

Жавоҳирнинг айтишича, операциядан кейин бир ҳафта-ча шифохонада шифокорлар назоратида бўлиб, кейин уйга рухсат берилибди. Бир ойдан кейин шифохонага бориб ташқи нутқ процессорини тақтириб келибди. Бошида сал қийинроқ кечган, кейин-кейин ҳаммаси жойига тушиб, кўникиб кетибди. Ҳозирча 1-2 соат зарур пайтлари тақиб юрар экан. Сўхбат давомида Жавоҳир қўнғитадан нутқ процессорининг махсус пультини олиб кўрсатди. Бу нима экан, деб ҳайрон бўлганимни сезиб изох берди. Пулт ёрдамида товушнинг пайсатириш ёки баландлатиш мумкин. Яна бир қизиқ томони, кўча-қўйда қўл телефонида гаплашаётганда атрофдаги шовқин-суронларнинг олдини олиш учун пултдаги «Т» тугмасини боссангиз, фақат телефон товушидан бошқа овоз эшитилмайди.

Хулосалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, аслида Кохлеар имплантацияси жарроҳлик амалиётини ёшликда амалга оширган яхшироқ. Операция қанчалик эрта ўтказилса боланинг эшитиш қобилияти ҳам шўнчалик ривожланиб бораверади.

Инсонлар учун товушларни асл ҳолига тинглаш катта бaxт. Кар ва заиф эшитувчилар эса ҳозирча Кохлеар имплантацияси ёрдамидагина ана шундай бaxтга муяссар бўлиши мумкин. Ким билади дейсиз, илм-фан, техника-технологиянинг шиддат билан ривожланиши бундай инсонларга яқин келажақда жарроҳлик амалиётисиз ҳам эшитиш имконини яратар.

Маъмур АХЛИДИНОВ,
Тошкент шаҳридаги
102-заиф эшитувчи
болалар махсус мактаб-интернатининг собиқ
ўқувчиси



КУВВАТЛАШ УЧУН 30 СОНИЯ ЕТАРЛИ

«StoreDot» kompaniyasi smartfonni bir necha soniyada, elektromobilni esa bir necha daqiqada ichilda quvvatlashga qodir yangi texnologiya yaratilganini ma'lum qildi, deya xabar beraadi «Reuters» axborot agentligi.



Нанотехнологияларга асосланган курилма аънавий батареялардан фаркли ўларок, киска фурсатда энергия тўплаш имкониятига эга. Ишлаб чиқарувчиларнинг сўзларига қараганда, инновацион технология пептидлар оиласига мансуб биоорганик молекулалар — «nanodots» дан фойдаланади. Мазкур таркибий қисм энергиянинг тез тўпланиши ва тўплагичда маълум муддат сақланишига таъсир ўтказди.

Оммавий ишлаб чиқариш устида бош қотираётган ихтирочилар режасига кўра, 2016 йилга бориб smartfonlarni 30 soniya ichida quvvatlab, bir kunlik energiyaga ehtiyojni qondiradigan to'plagichlarni sotuvga chiqarish mo'ljallangan. Ayni paytda kompaniya mobilni quvvatlash uchun soatlab vaqt ketishi hisobga olinisa, mazkur fo'yaning amalga oshishi insonlar uchun qulaylik yaratishi shubhasiz.

Агар технология ихтирочилар кутган натижани берса, иккита ўсиб бораётган сегмент, яъни электромобиль ва мобиль курилмалар бозорини тубдан ўзгартириб юбориши мумкин. Маиший турмушда smartfonlarni quvvatlash uchun soatlab vaqt ketishi hisobga olinisa, mazkur fo'yaning amalga oshishi insonlar uchun qulaylik yaratishi shubhasiz.



МАҲСУЛОТНИНГ СИФАТИГА БАҲО БЕРИШДА АДАШМАНГ

Япониянинг «NEC» kompaniyasi mahsulotning haqiqiylikini aniqlab beruvchi yangi texnologiyani taklif etmoqda. Buning uchun iste'molchini kiziktirgan mahsulotning surati kerak bo'ladi. Loyiha mualliflarining ta'kidlashicha, mashhur brendlar o'zlarini ishlab chikaradigan asl mahsulotga hech qanday kushimcha tarkibiy qism e'ki belgi qullashlariga hojat qolmaydi, bu vazifani smartfon va planшет amalga oshiradi.

«Махфий» сирлардан беҳабар харидор асл ва соҳта маҳсулот ўртасидаги фарқни бир қарашда билмаслиги мумкин. Янги технология айнан шу муаммони бутунлай бартараф этиш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, маҳсулот қўлбола бўлса, бу ҳақда харидорга маълумот етказди. Сара маҳсулотларни махсус оптик дастак орқали аниқлаш мумкин. Smartfon va planшет ёрдамида олинган тасвир маълумотлар базасига жўнатилади ва у ерда асл маҳсулотлар билан таққосланади. Янги технология намунанинг метал ва пластик масса ҳолатини текширувдан ўтказиб кўради.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, қонунга хилоф равишда ишлаб чиқарилган маҳсулотни аниқлашда ҳам янги технология қўл келиши мумкин. Ушбу технология маиший турмушга бир ярим йилдан сўнг татбиқ этилиши режалаштирилмоқда.

Ҳамида УСМОНОВА тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги раҳбарияти ва жамоаси Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар халқ таълими муассасаларини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудираси Тамара Юлдашевага онаси

ХАНШАЙИМ аянинг
вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон

Бабаджанов Азам Хасановичнинг «Жигар циррози билан беморларда ҳаёт прогнозини интеграл баҳолаш ва портосистем шунтлашнинг концептуал асослари» (тиббиёт фанлари) мавзусидаги докторлик диссертацияси ҳимояси Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи 16.07.2013.Тиб.20.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2014 йил 26 декабрь соат 14:00даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100115, Тошкент ш., Фарҳод кўч., 10. Тел.: (99871) 277-69-10, факс.: (99871) 277-26-42, e-mail: cs.75@mail.ru).

Султанов Тахиржон Закировичнинг «Иншоотнинг фазовий ва чизиксиз деформацияланишини ҳисобга олган ҳолда грунтли тўғонларнинг мустақкамлик ишончилигини баҳолаш назарияси ва усуллари» (техника фанлари) мавзусидаги докторлик диссертацияси ҳимояси Тошкент давлат техника университети ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги 16.07.2013. Т/ФМ.02.02 рақамли Илмий кенгаш асосида тузилган фан доктори илмий даражасини берувчи бир марталик илмий кенгашнинг 2014 йил 27 декабрь соат 14:00даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўч., 2. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: tadqiqotchi@tdtu.uz)

Абдуллаева Лагя Мирзатуллаевнанинг 14.00.01 — «Акушерлик ва гинекология» ихтисослиги бўйича «Тузилмалар характери прогнози қилиш ва тухумдонларнинг хавфсиз эпителиал ўсма-лари асоратларининг олдини олиш» (тиббиёт фанлари) мавзусидаги докторлик диссертацияси ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги 16.07.2013.Тиб.18.01 рақамли Илмий кенгашнинг 26 декабрь соат 13:00даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100140, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223, Тел./факс: (99871) 262-33-14, e-mail: tashpmi@gmail.com.

Абиров Рустам Абдуллаевичнинг 01.02.04 — «Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси» ихтисослиги бўйича «Мураккаб юк-ланишдаги материалларнинг деформацияланишини ҳисобга олган ҳолда пластиклигининг математик моделларини ривожлантириш» (физика-математика фанлари) мавзусидаги докторлик диссертацияси ҳимояси Тошкент давлат техника университети ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи 16.07.2013.Т/ФМ.02.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2014 йил 26 декабрь соат 14:00даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100095, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 246-46-00, e-mail: tadqiqotchi@tdtu.uz).

Тошкент шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти кафедралар бўйича вакант ўринларга танлов эълон қилади:

- 1. Ижтимоий фанлар ва маънавият асослари кафедрасига:**
 - Доцент (фан номзоди) — 2 нафар:
 - Миллий ғоя — 1 нафар
 - География — 1 нафар
- 2. Педагогика, психология ва педагогик менежмент кафедрасига:**
 - Кафедра мудири (фан доктори, профессор, фан номзоди) — 1 нафар
 - Доцент (фан номзоди) — 2 нафар:
 - Педагогика — 1 нафар
 - Психология — 1 нафар
 - Катта ўқитувчи (фан номзоди) — 1 нафар:
 - Менежмент — 1 нафар
 - Катта ўқитувчи (илмий даражасиз) — 1 нафар:
 - Психология — 1 нафар
- 3. Мактабгача, бошлангич ва махсус таълим кафедрасига:**
 - Доцент (фан номзоди) — 2 нафар:
 - Мактабгача таълим — 1 нафар
 - Бошлангич таълим — 1 нафар
 - Катта ўқитувчи (илмий даражасиз) — 2 нафар:
 - Мактабгача таълим — 1 нафар
 - Бошлангич таълим — 1 нафар
- 4. Тил ва адабиёт кафедрасига:**
 - Кафедра мудири (фан доктори, профессор, фан номзоди) — 1 нафар
 - Доцент (фан номзоди) — 1 нафар:

- Инглиз тили — 1 нафар
- Катта ўқитувчи (фан номзоди) — 1 нафар:
- Она тили ва адабиёт — 1 нафар
- 5. Табиий, амалий фанлар ва жисмоний тарбия кафедрасига:**
 - Кафедра мудири (фан доктори, профессор, фан номзоди) — 1 нафар
 - Доцент (фан номзоди) — 2 нафар:
 - Мехнат — 1 нафар
 - Жисмоний тарбия — 1 нафар
 - Катта ўқитувчи (илмий даражасиз) — 1 нафар:
 - Мусиқа — 1 нафар
- 6. Математика, информатика ва физика кафедрасига:**
 - Кафедра мудири (фан доктори, профессор, фан номзоди) — 1 нафар
 - Доцент (фан номзоди) — 2 нафар:
 - Математика — 1 нафар
 - Информатика — 1 нафар

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади:
Ариза, шахсий varaқа, 2 дона 3,5х4,5 ҳажмдаги фотосурат, таржимаи ҳол, иш жойидан тавсиянома, олий ўқув юртини тугатганлик ҳақидаги диплом, илмий даражаси ҳақидаги ҳужжат, эълон қилинган илмий ишлари рўйхати.

Мутахассислик ва соҳа бўйича иш стажы камида 5 йил бўлиши керак.
Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой мобайнида қабул қилинади.

БИРИНЧИ УЙИ ТЕАТР ЭДИ...

Ўзбек Миллий академик драма театрининг тарихи 1914 йилдан Абдулла Авлоний раҳбарлигидаги «Турон» театр труппасининг юзага келиши ва Маҳмудхўжа Бехбудийнинг «Падаркуш» пьесаси намойишидан бошланган.

Бу театр қанчадан-қанча буюк актёрларни, машҳур режиссёр, атоқли драматург, рассомларни вояга етказиб, номларини оламга таратди. Кейинги авлодларга мансуб актёрлардан эса Зикир Муҳаммаджоновнинг алоҳида ўрни бор.

Зикир(аслида Зокир) Муҳаммаджонов 1919 йили Тошкентнинг Кўнчилар маҳалласида таваллуд топди. У беда бозоридан ўтиб борганда гулбозорга туташ Ўзбек давлат драма театрининг бирорта янги спектаклини канда қилмай кўриб борарди. Юсак маҳоратли актёрлар ижросидаги роллардан ўта таъсирланиб, гоҳ йиғларди, гоҳ маза қилиб қуларди... «Қани эди, мен ҳам шулардай сахнадан туриб томошабинларни маҳлиё қилиб қўйсам», дея ич-ичидан орзу қиларди... Йиллар ўтди, 18 ёшида мазкур театрга кириб келган Зикиржон не-не машаққатлар кўрмади, не-не танқидларни эшитмади, сахнада кимларнинг қиёфасига кирмади, қандай режиссёрлар билан ишламади, не-не актёрлар билан сахнада ёнма-ён туриб турли образларни яратмади...

Шундай берилиб кетдики, уйдагилар хатто «Зикиржон бу театр деганига мўқасидан кириб кетди, шекилли. Уйини ҳам эсидан чиқариб қўйди, эрта билан кетиб тун кечида келадиган бўлиб қолди», дейдиган бўлди. Одатда актёрлар учун театр иккинчи уй саналади. Зикир Муҳаммаджонов учун эса бунинг тескариси эди: унинг биринчи уйи театр бўлиб қолди...

Ўзбекистон халқ артисти, Давлат мукофотлари совриндори Зикир Му-

ҳаммаджонов 93 йил умр кўрган бўлса, шундан 75 йилини сахна санъатида, Ўзбек Миллий академик драма театrigа бағишлади. Машҳур актёр мана шу театрда яратган сахна тимсолларидан Саттор («Юрак сирлари», Баҳром Раҳмонов), Родриго («Кўзибулоқ», Лопе де Вега), Лаэрт («Ҳамлет», Шекспир), Темур Малик («Жалолиддин», Шайхзода), Фердинанд («Макр ва муҳаббат», Шиллер), Алишер Навоий (Уйғун ва Иззат Султон пьесаси) образларини алоҳида тилга олиш лозим.

Зикир Муҳаммаджонов қаҳрамоннинг хатти-ҳаракатларини даб-дурустдан сахнадан бошламас, унинг сахна ортидаги ҳаётидан, дард ёки секинлар силсиласи аввалроқ бошланганидан дарак бериб, сахнага кириб келарди.

Бебаҳо маданий меросни асраб-авайлаш борасида ҳам улкан ижодкорлик ишларини амалга оширди. «Улугбек хазинаси», «Навоий», «Абу Райҳон Беруний», «Али бобо ва қирқ қароқчи» сингари фильмларда яратган ажойиб образлари билан шухрат қозонди. Бунингдек муваффақиятли ижролар ёш иқтидорли актёрлар учун ўзига хос бой ижрочилик мактаби хизматини ўтарди.

Элсевар инсон Зикир Муҳаммаджонга Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон микросидаги шон-шухратини юксалтириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва халқига садоқат руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилган.

Баҳриддин НАСРИДДИНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими

Yaxshilar yodi

Барча соҳада ўз касбининг устаси бўлган, самарали меҳнати билан элда обрў-эътибор қозонган одамлар кўп. Файзи Ўроқов худди шундай инсон эди. У олий маълумот олган, ўтган асрнинг 70-йилларидан Мирзачўл туманидаги 13-мактабда физика ўқитувчиси ва директорнинг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосари лавозимларида ишлади. 1977 йилдан умрининг охиригача 5-мактаб директори вазифасини бажарди. Устоз таълим-тарбияни намунали ташкил этишга бутун куч ва маҳоратини бағишлади.

— Файзи Ўроқовни туманимиздаги барча директорлар ўзларининг маслакдош дўсти деб биларди, — дейди

ЭЗГУЛИКНИНГ УМРИ УЗУН

Мирзачўл тумани ХТМФМТЭ бўлими мудирининг ўринбосари Аллаёр Саидов. — Жамояни бошқариш, раҳбарлик маҳоратини ундан ўрганар эди. Домла ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, байрам тадбирларини ўтказишда маҳаллада ҳам бош-қош эди.

Заҳматкаш педагогнинг меҳнатлари муносиб эътироф этилиб, «Шухрат» медали билан тақдирланган. Бутун умри ва фаолиятини ўқитувчиликка бахш этган устознинг фарзандлари ҳам ота изидан боришмоқда, беш ўғил-қизи ўқувчиларга сабоқ берапти.

Файзи Ўроқовнинг эсини таниб ilk бор кўрган кошонаси мактаб эди. У мактабда ўқиди, bilim oldi, dunyo tanidi. Taqdirni qarangki, so'ngi nafasi ham muqaddas dargohda qoldi...

Эзгуликнинг умри узун, дейдилар. Узтоз минглаб шогирдлар қалбига сочган маърифат нурлари боқий яшайди.

Абдусаттор СОДИКОВ

3-dekabr — Xalqaro nogironlar kuni

Болалик йиллари Хулкар учун оғир ва машаққатли кечди. Ай-никс, фасллар алмашилиб, кунлар совий бошлаганида даво-ланишига тўғри келарди. Шифо-корлар унга оёқларида чандиғи борлиги туфайли вақти-вақтида даво-ланиши, доимий назоратда бўлишини тавсия этганди. Олин-динда Хулкарни узоқ давом эта-диган мураккаб синовлар кутар,

тисослаштирилган давлат умум-таълим мактаби қошидаги ахборот-ресурс марказига ишга қабул қилинади. Дастлабки йиллари унга осон бўлмади.

Вақт ўтиши билан касбига си-дқидилдан ёндашадиган бўлди. Чаққон ҳаракати, бармоқлари-нинг эпчиллиги, тиниб-тинчи-маслиги ва ҳар бир китобхон би-лан хуш муомаласи — энг катта

ҲАЁТДА ЎЗ ЎРНИ БОР

оёқ болдирларининг заифлиги ҳамда зирқираб оғришидан азият чекарди. У даволаниб зўри-қшишлардан халос бўлгач, яна жо-нажон мактабига қатнар ва фан-ларни синфдошлари билан тенгма-тенг ўзлаштиришга ҳара-кат қиларди.

Ҳаёт тасодифларга тўла. Бир куни Хулкар вилоят болалар ку-тубхонасига йўли тушиб, муди-ранинг иш фаолиятига қизиқиб қолади. Муаззам опа китобларни жавонларга тартиб билан тахлар-кан, бармоқларининг чаққон ва аниқ ҳаракатлари қизалоқнинг эътиборини тортди. Истараси иссиқ ва дилкаш Муаззам Камо-лованинг иш фаолияти унда ҳавас уйғотди. Шу-шу, бу ерга тез-тез келиб турадиган ва бола-лар адабиёти билан танишиб бо-радиган бўлди. Бора-бора, китоб унинг учун ҳузур-ҳаловат ман-баи, яшаш мазмуни ва, ниҳоят, тақдирга айланиб қолади.

Орзулари бир олам Хулкар Муродова Жиззах санъат колле-жининг сиртқи бўлимини тамом-лагач, Жиззах шаҳридаги 22-их-

ютуғи эди. Қолаверса, оиласида шахсий кутубхонанинг мавжуд-лиги бунга туртки берарди.

АРМда 16780та адабиёт мав-жуд: шундан 3650таси бадий китоблар, қолгани дарслик, ўқув-услубий қўланма ва сиёсий ада-биётлар. Ахборот-ресурс маркази-да видеотасмасидаги фильмлар намойиши, шунингдек, ижод-корлар билан учрашувлар бўлиб ўтмоқда. Бунда «Йил кутубхона-чиси — 2009» республика танло-ви қатнашчиси Хулкар Муродо-ванинг хизмати катта.

Тиниб-тинчимас мудира Хул-кар Муродова ногирон бўлиши-га қарамай, ўттиз уч йилдирки, ўз касбини эъзозлаб келмоқда. У мактаб жамоат ишларида ҳам фаол. Касаба уюшмаси қўмитаси раиси ўринбосари вазифасини бажариб, педагоглар ўртасида миллий анъана ва урф-одатлари-мизни тарғиб этувчи йиғинларни ўтказишда бош-қош. Ҳар доим кўнгил билан яшашни ҳаётининг маъноси деб тушунади.

Абдулла САИДОВ

ҚАЛБГА ҚУРИЛГАН ҚАСР

Куй, кўшиқ миллат танла-майди, чегара билмайди. Унинг ватани — қалб. Қалбга қурилган қаср ҳеч қачон бу-зилмайди. Оханг орқали одамлар қалбига кириб бо-риш, улар кўнглига йўл то-пиш осон эмас.

Санъат соҳасида билим ва тажрибаларини шогирдлари-га бахшида этган санъатшу-нос олимлардан бири атоқ-ли композитор Абдулазиз Ҳошимовдир. У яратган куй-лар, басталаган мусиқалар санъат илҳосмандларининг қалбидан чуқур жой эгалла-ган.

Олим 1967 йилдан Ўзбе-кистон радиоси қошидаги Ўзбекистон халқ артисти Ганижон Тошматов раҳбар-лигидаги уйғур ансамблида фаолиятини бошлайди. У ерда дастлаб чангчи сифа-тида ишлади. Ўзбекистон радиосида ишлаган кезла-ри уйғур куй-кўшиқлари жонли ижрочилиги ва тар-ғиботида жонбозлик кўрсат-ди. Уйғур мумтоз ҳамда эл нохшолари, куй ва санам-

лари, дoston номалари ва муқомлари билан ҳам маш-ғул бўлди. Ўзи басталаган «Ноҳшочи қиз», «Булбул на-ливоси», «Ер келди», «Дўстлар-га салом» каби кўшиқлари тингловчилар қалбидан чу-қур жой эгаллади.

Тинимсиз ижодий изла-ниш илмий изланишга унда-ди. Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон бўйлаб ижо-дий сафарлар уюштириб, му-қомлар ҳақидаги қимматли маълумотлар тўплади, сўнг мумтоз мусиқий намуналар-ни ўз ижросига сингдириб, нота ёзуви орқали ҳужжат-лаштириш билан машғул бўлди. Беш йил мобайнида олим «Или ўн икки муқом»-ни тўлиқ ноталаштирди. Бу уйғур маданиятининг қим-матли мероси — муқомлар-ни сақлаб қолиш, ёш авлод-га асл ҳолича етказиб бе-ришда асқотади. «Или уй-ғурларининг касбий мусика-си (мерос)» мавзусидаги док-торлик диссертациясининг машаққатли изланишлари махсули бўлди. Шунингдек,

нашрга тайёрлаган нота қўлёзмалари уйғур халқига қимматли мерос бўлиб қолди.

Олим Гонконг, Париж, Берлин, Истанбул, Душанбе ва Самарқандда ўтказилган нуфузли халқаро илмий ва мусиқий анжуманларда маъ-рузачи ва ижрочи сифатида қатнашди.

Абдулазиз Ҳошимов бутун умри давомида уйғур халқининг мусиқа маданиятини, айниқса, «Уйғур ўн икки муқом»ни асраб-авайлаш, яна-да ривожлантириш ва келгу-си авлодларга етказиш учун ҳаракат қилди. У хотирала-рида шундай ёзганди: «Мен келажақда ёшларимиз ўн икки уйғур муқомини менин-гдек севиб ўрганишига, яхши қилиб ижро этишига ва яна-да такомиллаштириб келажақ авлодларга етказишига умид қиламан».

Баҳромжон ХАЙНАЗАРОВ,
Ўзбекистон Миллий
университети катта илмий
ходим-изланувчиси

2014-yil 29-noyabr, № 96 (8745)

СПОРТ БИЛАН КАМОЛОТ САРИ

Ёшларни спортга кенг жалб қилиш, ёш истеъодларни кашф этиш мақсадида таълим муассасаларида турли спорт мусобақалари ташкил этиб келинмоқда. Бу каби турнирларда спорт-соғломлаштириш ишларини намунали йўлга қўйган, жисмоний тарбия дарслари мазмунли олиб борилаётган или масканлари ўқувчи-ёшлари фаол иштирок этиб, голиблик шохсупасига қўтарилмоқда. Жиззах вилояти халқ таълими бошқармаси ҳамда «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамияти вилоят кенгаши ҳамкорлигида мактаб ўқитувчилари ўртасида спорт гимнастикаси бўйича ўтказилган мусобақада ҳам бунга гувоҳ бўлдик.

Унда Арнасой туманидаги 5-мактабнинг кўплаб спортчи ўқувчилари ҳам шунинг натижаларини кўлга киритишди. Мусобақада Сарвиноз Бегимова, Муниса Мамадиёрова, Ирода Муродова, Абдулла Шотемиров, Қудрат Жабборов, Шахноза Бойзоқова, Бегзод Зулфонов ва Сарвиноз Мамадиёрова жамоа шарафини муносиб ҳимоя қилди.

Шартларга кўра, иштирокчилар эркин машқ, арқонга чиқиш, турникда тортилиш, сакраш бўйича ўзаро бахslashдилар.

— Ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларнинг соғлом вояга етишлари учун дарсдан ташқари спорт тўғрақлари ташкил этилган, — дейди

мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси, халқ таълими аълочиси Ботир Абдунабиев. — Тўғрақларда фаол қатнашиб, мусобақаларда тобланаётган ўқувчиларимиз синфдошларига ўрнак бўлмоқда. Эркин кураш тўғраги аъзолари Фахриддин Очилов ва Ҳожи Нарзиёв, шахматчи Дилрабо Нуриддинова шулар жумласидан.

Ушбу мактабда самбо бўйича уч карра жаҳон чемпиони Бобомурод Файзиев каби таниқли спортчилар таълим олган. Собiq ўқувчиларининг эришаётган ютуқлари ўқитувчи ва ўқувчиларга гурур бағишлабгина қолмай, ёшларни спорт билан доимий шугулланишга, юксак марраларни эгаллашга ундаб туради.

Номоз ҚАРШИЕВ

МИЛЛИЙ СПОРТ ТУРЛАРИ

соғлом турмуш тарзи асоси

Tadbir

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан «Олимпия шон-шухрати» музейида «Соғлом бола йили»да жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш ва омаллаштириш борасида қилинаётган ишлар, эришилган ютуқлардан жамоатчиликни хабардор қилиш мақсадида ўтказилган «Ёшлар камолотида жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни ҳамда уни ривожлантириш истиқболлари» мавзусида матбуот анжуманида кўлга киритилаётган ютуқлар алоҳида эътироф этилди.

Анжуманда вазирлик мутасаддилари, спорт федерациялари, миллий спорт турларини ривожлантириш маркази ва-ллари, юксак натижаларга эришган спортчилар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Тадбирда эришилган ютуқлар билан бир қаторда мавжуд камчиликларни бартараф этиш борасида олиб борилаётган ишларга ҳам тўхталиб ўтилди.

— Юртимизда миллий спорт турларини янада ривожлан-

тиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди Ўзбек жанг санъати федерацияси раиси Пўлат Усмонов. — Чунки миллий спорт турлари замирида ўзлгимиз, қадриятларимиз ўз ифодасини топган. Бугун дунёнинг кўплаб давлатлари ўз миллий спортини ривожлантириш ва омаллаштиришга ҳаракат қилаётганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Миллий спорт турларини жаҳон миқёсига олиб чиқиш ёшларимизни спортга янада кенгроқ жалб этиш имконини беради.

Анжуман доирасида шу йилнинг 25 октябры — 12 ноябрь кунлари Бирлашган Араб Амирликларининг Ал-Айн (БАА) шаҳрида стентдан ўқ отиш бўйича Осиё чемпионатида муносиб иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаган бир гуруҳ спортчиларни тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди.

Дилмурод ДҮСТБЕКОВ,
ЎзЖТДУ талабасиСЎЗЛАРИ МАРДОНА, ҚАДАМЛАРИ
ШАҲДАМ ЁШЛАР

Ватанни жондек авайлашни ўрганишмоқда

Хар гал академик лицейимизга келган ота-оналарнинг умид ва ишонч тўла сўзларини диққат билан тингларканман, улар ёнидаги фарзандлари кўзларида харбий бўлиш истаги ёниб турганининг гувоҳи бўламан. Шу аснода бундан йигирма беш-ўттиз йиллар муқаддам боласини харбий хизматга кузатаётиб, қовоқлари йиғидан қизарган оналар, фарзандини армиядан олиб қолиш учун хар нарсасга тайёр оталар, уларни юпатгани сўз тополмай олисларга отланган, юртдан узокда, ноқулай шароит ва муҳида йигитлик бурчини адо этган ўғлонлар кўз олдимада гавдаланади...

Юртимиз мустақилликка эришганининг дастлабки кунлариданоқ харбий соҳани тубдан ислох қилишга қаратилган савий-харакатлар харбий таълим муассасаларини ташкил этишда ҳам муҳим аҳамият касб этди. Жумладан, Президентимизнинг 2007 йил 22 майдаги "Харбий академик лицейлар фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан республикамизда харбий йўналишдаги тўртта академик лицей очилди. Улардан бири 450 ўринга мўлжалланган Тошкент харбий телекоммуникация йўналишидаги академик лицейи бўлиб, муассаса 2007-2008 йилларда тўлиқ реконструкция қилинган.

Таълим масканимизда харбий билимлар билан бирга, математика, физика, ома тили ва адабиёт фанлари чуқурлаштириб ўтилади. Бу борада моддий-техника базамизнинг мустаҳкамлиги ҳам муҳим ўрин тутаяпти. Айни пайтда лицейимизда иккита компьютер хонаси, битта чет тиллар ўқитиладиган лингвафон хонаси, компютерлаштирилган машқ хонаси, ўн тўрт мингдан зиёд китоб фондига эга ахборот-ресурс маркази ўқувчиларга мунтазам хизмат кўрсатмоқда. Эзлик нафарга яқин малакали педагог ва харбий хизматчилар замонавий таълим андозалари асосида ўргатади. Дарс жараёнида фойдаланиладиган ўқув-услубий қўлланмалар,

электрон дарслик ва маъруза матнларининг салмоқли қисми ўқитувчиларимиз томонидан тайёрланган. Дарсдан бўш пайтлари ўқувчилар ўн тўртта фан тўғраги, тўртта спорт секцияси, "Заковат", "Эверест қўқиси" каби интеллектуал клубларнинг ақлий ва жисмоний ривожлантирувчи машгулотларида вақтини мазмунли ўтказишади.

Ушбу савий-харакат ва интилишларимиз ўқувчиларимизнинг фан ва спорт мусобақаларида эришаётган ютуқларида намоён бўлмоқда. Жумладан, лицейимиз жамоаси изма-из уч йилдан буюн харбий академик лицейлар ўқувчилари ўртасида аънанавий ўтказиб келинаётган "Амир Темур авлодлари" харбий-спорт мусобақасида голибликни кўлдан бермай келаяпти. Ўқувчиларнинг шахсий кўрсаткичлари ҳам алоҳида эътиборга молик. Учинчи босқич ўқувчиси Худойберди Қодиров кўл жанги бўйича олти карра Ўзбекистон чемпиони, комбат айқини бўйича халқаро беллашулар совриндоридир. Тенгқурлари Азизбек Мавлонов, Жаҳонгир Насриддиновнинг ютуқлари ҳам салмоқли.

Таълим масканимиз харбийлаштирилган муассаса бўлгани боис, ўқувчилар кундалик ҳаётининг асосий қисмини лицейда ўтказишади. Шу сабаб уларга хар томонлама, худди оила аъзоларидек ғамхўрлик қилишга, жисмоний ва руҳий ҳолатидан доим бохабар бўлиб, соғлом камол топишга масъулмиз. Муассасамизда ўқувчиларнинг ақлий ва жисмоний ривожланиш кўрсаткичларини аниқлаш мақсадида доимий мониторинг олиб борилади.

Лицейдаги таҳсил ўқувчиларнинг ўттиш даврига тўғри келгани масъулиятимизни икки ҳисса оширади. Аввало, узок вақт ота-онаси бағридан йироқда, тартиб-интизомга қатъий риоя қилинадиган муҳида яшамаган боланинг харбийлаштирилган таълим муассасасига бирдан мослашиб кетиши осон кечмайди. Хохлаганда кўнга чиқиб, хохлаганда телевизор кўрган, мобил телефонда узлуқсиз ўртоқлари билан меймол гаплашиб юрган ўспирин белгиланган

вақтда ухлаб-туришга, овқатланишга машгулотларга қатнашишга кўника олмаслиги мумкин. Шу боис ўқувчилар билан дўстона муносабат ўрнатиб, уларга психолог ёрдам кўрсатилади. Танлаган соҳаси мураккаб экани, бироқ бу қийинчиликларни энгиб ўтса, албатта, яхши натижаларга эришиб, ота-онаси фахрланадиган фарзанд бўлиб камолга етишини тушунирамиз.

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 17 февралдаги "Харбий академик лицейлар фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, харбий академик лицей ўқувчилари бир қанча имтиёзларга эга. Жумладан, Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари ва Божхона кўмитаси, Миллий хавфсизлик хизмати тасарруфидидаги олий таълим муассасаларига киришда харбий академик лицейларнинг битирувчилари учун тест синовлари топширишда улар тўплаган жами балларга балларнинг тўпланиши мумкин бўлган энг кўп миқдорининг 10 фоизи миқдорда қўшимча балл берилади.

Лицей ўқувчилари харбий касбга йўналтириш ишларида Тошкент олий харбий умумқўшни кўмондонлик билим юрти, Чирчиқ олий харбий танк кўмондонлик муҳандислик билим юрти ва Тошкент ахборот технологиялари уни-верситетининг махсус факультетидаги ўқув-тарбия жараёни билан яқиндан таништириш муҳим аҳамият касб этапти. Ҳафтанинг жума кунлари маънавият соати доирасида музейларга саёхатлар, таниқли ёзувчи-шоирлар, маданият ва санъат вакиллари, фахрийлар иштирокида давра суҳбатлари уюштирамиз. Улар суҳбатини олаётган ўқувчилар Ватан ҳимояси нечоғли муқаддас бурч эканини янада теран англаш билан бирга, яратилаётган шароит ва имкониятлар замирида юксак ишонч муассамалигини дилдан ҳис этишмоқда.

Алишер НАЗАРОВ,
Тошкент харбий телекоммуникация
йўналишидаги академик
лицейи директориРОНАЛДИНЬО —
АФРИКАЛИКЛАР
НИШОНИДА

Айни вақтда Мексиканинг «Керетаро» клуби аъзоси бўлган бразилиялик донгдор ярим ҳимоячи Роналдиньо Анголанинг «Кабушкорп» футбол жамоаси ўз сафига қорламоқда.

Европадаги фаолиятини яқунлаб, ўз юртидаги «Атлетико Минеиро» жамоасида икки йил тўп сургач, Мексикага кўчиб ўтган футболчи, аңгаликлар клуби президенти Бенту Кангамбунинг айтишича, жамоани инкироз кўчасидан олиб чиқади. Шунингдек, бир вақтлар жаҳоннинг тенгсиз футболчиси бўлган Роналдиньодан ёш футболчилар жуда кўп жиҳатларни, усулларни ўзлаштириш имконига эга бўлади.

— Биз футболчининг агенти билан ҳеч бўлмаса бир йиллик шартнома имзолаш ниятидамиз, — деди Кангамбу. — Роналдиньони олиб келсак, Африка чемпионлар лигаси кубогини кўлга киритишимиз ва клублар ўртасидаги жаҳон чемпионатида Европа клубига қарши муносиб ўйин кўрсатишимиз мумкин.

Эслатиб ўтаамиз, 2012 йили айнан шу клуб сафида Ривалдо тўп сурган.

САРАТОННИ ЕНГАН
ТЕННИСЧИ

Хотин-қизлар теннис ассоциацияси (WTA) расмий веб-саҳифасида машҳур теннисчи Мария Шарапова саратон касаллиги ташҳиси қўйилган 10 яшар қизалоқ билан машгулот ўтказиш учун тақлиф этилди, деб хабар берилди.

Бундан беҳабар Санин Логан ўзи ёқтирган спортчини кўриб қийқириб юборди.

— Мен одатдагидек кортда теннис ўйнаётганим, — дейди қизалоқ, — Шундоққина майдон четида Мария Шарапова кузатиб турганини кўриб қолдим ва шовиб қолиб, нима деганимни ҳам билмайман. Жуда қувондим.

Флорида штатининг Брейдентон шаҳридаги теннис академияси кортида Мария Санин билан ўзига хос ўртоқлик учрашуви ўтказди. Логан 5 ёшлидан бошлаб теннис билан мунтазам шугулланади ҳамда мусобақаларда қатнашади. Аммо саккиз ёшида унга саратоннинг кам ўчрайдиган турларидан бири — «Беркитт лимфаси» ташҳиси қўйилган, спортдан биров чекинди. Аммо қисқа вақт ичида керакли муолажаларни олиб, оғир касаллиқни энгиб ўтди ва яна кортга қайтди.

КРИКЕТ — ХАВФЛИ
ЎЙИН

Австралиялик крикетчи Филипп Хьюз ўйин вақтида бошидан олган оғир жароҳати тўғрисида Сиднейдаги шифохоналардан бирига шовиш-лич тарзда олиб кетилган эди, деб хабар берди «Associated Press» ахборот манбаси.

Аммо воқеа жойидаёқ худшан кетиб, майдонга йиқилган спортчи қайта кўзини очмаган. Бу нохуш ҳолида «Янги жанубий Уэльс» жамоасининг «Жанубий Австралия» жамоасига қарши ўтказган матчида юз берди. Крикет тағйини тутиб турган жамоадоши рақиб отган тўпни қайтаролмагач, у тўғри келиб Хьюзнинг бошига теккан. Афсуски, малакали шифокорларнинг барча уриниши бесамар кетди.

Бундай ҳолат крикет баҳсларида тез-тез такрорланмоқда. Ўтган йили Африка қитъасининг энг қучли крикетчиси Даррин Рэндэлл ҳам шу тариқа ҳаёт билан видолашганди.



ТАЪЛИМГА ЭЪТИБОР – КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Қарши шаҳридаги 11-умумтаълим мактабида 1 минг 789 нафар ўқувчи илғор педагогик технологиялар асосида билим олмоқда. Бу ерда ташкил этилган фан, спорт, санъат йўналишларидаги 34 тўғаракка барча ўқувчилар қамраб олинган.

Ўқув масканида мактабдан ташқари таълимнинг сифат ва самарадорлигини ошириш, педагогларнинг услубий фаолиятини такомиллаштириш, зарур адабиёт ва қўлланмалардан кенг фойдаланишга алоҳида аҳамият қаратилади. Бунинг самарасида мактаб ўқувчилари турли санъат ва спорт танловларида юқори натижаларни қўлга киритмоқда.

ЎЗА фотомухбири
Жамшид НОРҚОБИЛОВ
олган суратлар.



ДАРСДАН СЎНГ ТЎҒАРАККА



Нурота тумани қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежида мингдан зиёд ўғил-қиз замонавий шaroитларда сабоқ олмоқда.

Қишлоқ хўжалик механизацияси, ЭХМ ва компьютер тармоқларини ишлатиш ва таъмирлаш, автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш каби йўналишларда билим ҳамда кўникмаларини ошираётган ўқувчи-ёшлар дарсдан сўнг фан, спорт, санъат тўғаракларига жалб қилинган. Замонавий тарзда жиҳозланган ўқув-машгулот хоналари, спорт зали, компьютер ва мультимедиа воситалари билан таъминланган ахборот-ресурс маркази ўқувчилар ихтиёрида. Яратилган шaroитлардан унумли фойдаланаётган ёшлар турли фан олимпиадалари, спорт мусобақалари ва танловларда муваффақиятли қатнашиб келмоқда.

ЎЗА фотомухбири
Сирож АСЛОНОВ олган суратлар



Ma'rifat

ТА'СИ
ЕТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ та'лими вазири,
Ўзбекистон Олий ва о'рта махsus
та'лим вазири, Ўзбекистон
Та'лим, фан ва маданият
хodimlari kasaba uyushmasi
Respublika kengashi.

Bosh muharrir Abdusamat RAHIMOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Indeks: 149, 150. G-1124. Tiraj 38927.

Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:

qabulxona — 233-50-55;
kotibiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi —
233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-6436



«Ma'rifat»dan
materiallarni ko'chirib
bosish tahririyat ruxsati
bilan amalga oshirilishi
shart.

Tahririyatga kelgan
qo'lyozmalar taqriz
qilinmaydi va muallifga
qaytarilmaydi.

MANZILIMIZ:
100083, Toshkent shahri,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:

Liliya BINASHEVA, Malohat TOSHOVA.

Navbatchi muharrir:

Abror UMARQULOV.

Navbatchi:

Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

O'za yakuni — 01.25 Topshirildi — 01.30

12 45